

Узбекистан
1994

ҲАМИД ҒУЛОМ

ТОШКЕНТЛИКЛАР



732
Г94

Ҳамид Ғулом

ТОШКЕНТЛИКЛАР

РОМАН



ТОШКЕНТ ҶУҚИТУВЧИ 1984

Ў32
F 79

Ғафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётининг
1975 йилги нашригà мувофиқ редактор *M. Обидов* кузатуви
остидаги қайта нашри.

Гулом Ҳамид.

Тошкентликлар. Роман. Т., „Ўқитувчи“ нашриёти, 1982

„Тошкентликлар“ романининг бош қаҳрамони Ойниса нимаси биландир
„Машъал“ романидаги Эъзозхонни эслатади. Ўша ўт юракли коммунист аёл, эри
гражданлар урушида мардларча ҳалок булган, икки ёш боласи билан бева қолган
мехрибон она... Фарқи ўзиги, Ойниса шаҳарда...

Езувчи уруш вақтидаги Тошкентни, унинг дўстларга муҳаббатини ва ёвларга
чекисиз газабини, тошкентликларнинг мислисиз меҳнати ва жанг майдонларидаги
қаҳрамонлигини Ойниса оиласи, унинг ўғиллари — Йўлдош билан Эргаш, дугона-
си — Нина Попова, Қўлдош бобо, ажойиб қизлар — Гулноз, Назекат, Зухралар
орқали акс эттиради.


Бу асрар учун адабга 1974 йилда Ҳамза номидаги Узбекистон ССР Давлат
мукофоти берилган.

© Гулом Ҳамид. Тошкентликлар. Роман.

F 701 - 88
13(01) - 82 301 - 82 4306010000



БИРИНЧИ БҮЛİM



Биринчи боб

ОЙНИСА

Бешёғочдан Қоратошгача чүзилган уч маҳалла — Биринчи, Иккинчи, Учинчи Арпапояларни кесиб ўтган анҳор тепаликдаги Форобий богининг әтагида Йсломобод арифига қўшилиб, чапга — Зевак маҳалласи томонга бурилади ва Чақар оша Чўпонота далаларига йўл олади.

Анҳорда икки обжувоз ва икки тегирмон кун-кун ишлаб туради. Уларнинг оралиғи узоқ әмас — тахминан бир чақирим. Шунга қарамай иш тифиз. Толзор ичидан шоли, буғдой ортиб келган аравалар, отлар, эшаклар қатор тизилиб туришади. Олис-яқин далалардан келган кекса дэхқонлар жума кунлари чопон, телпакларининг чангини қоқиб, то буғдойлари тортилгунча ёки шолилари оқлангунча Биринчи Арпапоядаги Эшон мачитда намоз ўқиб чиқадилар.

Биринчи Арпапояда, анҳор бўйлаб кетган әнсиэзгина тош йўл ёқасида уч туп садақайрағоч бор. Иккитаси ёшроқ. Маҳалла оқсоқоллари буларни ўзларига тенгдош дебдаъво қиласадилар. Аммо учинчи — кекса саданинг ёши фақат фараз қилинади. Чунончи, уч юз-уч юз эллик йил...

Учала садақайрағоч бир таноб чоғлик ерга соя-салқич баҳш әтган. Уларнинг паноҳида чойхона, қассоблик, кабоб-пазликнинг бозори чаққон.

Анҳор садақайрағочлар рўпарасида — нариги қирғоқдаги толзор тагида ёйилиб оқади. Форобий боғи биқинидаги тор кўчада турадиган кўмирчи аравакашлар шаҳарга донги кетган отларини шу ерга олиб тушиб суғорадилар, чўмилтирадилар.

Аравакашлар тор кўчасида улардан ташқари тағин

Ўи ўи беш хонадои истиқомат қилади. Булар — Бешёочдаги күн заводи, әгар-жабдуқ фабрикаси ва турли артелларининг ишчилари, хизматчилари. Тор кўчага кираверишдаги, чап бурчакдаги биринчи уйда әса, Ойниса туради.

Шу кўримсизгина эшик олдидаги бир туп оқ олма гарк пишган.

Саҳар соат бешдаёқ шарқ уфқи оқара бошлади. Аллақасерда тунаған сариқ тумшуқ қора майна яна олма шохидаги пайдо бўлиб, ҳар кунги наъмасини бошлади. Диққат билан қулоқ солсангиз, унинг булбулга тақлид қилаётганини сезасиз. Бироқ ўхшатолмайди.

Тор кўча жимжит. Хонадонларнинг бўйга етган қизлари ҳо аллақачон, тонг қоронғисидаёқ эшик олдига сув сениб, супуриб, ёғ тушса ялагундай қилиб қўйишган.

Аллақайси эшик ғийқ әтиб очилди. Қотмагина новча бола зулукдай қоп-қора, оёқлари ингичка, хипча бел отини анҳор томонга етаклаб тушиб кетди.

Кафтдаккина ҳовлисида, баланд ток сўри тагидаги сўпада ўй суреб ўтирган Ойниса от дупурини эшитиб турди. У ҳовли әтагидаги ўчоқ бошида ҳозиргина тандирга ўт қалаган, патирларини ясад, тандир қизишини кутиб ўтиради. Ўчоқ бошига бориб, ўтни кўздан кечирди-да, буш чеълакни билагига илди ва эшик занжирини тушириб, кўчага, толзорга чиқди. Лекин у анҳор бўйига боришга улгурмади: отини сугораётган бола жиловни тол шохига boglab, Ойниса томонга югорди.

— Челакни менга беринг, хола!

— Раҳмат, Абдуллажон.

Бола чеълакни олиб, бир зумда толзорга кириб кетди.

Ойниса тонг музикасига қулоқ солди. Анҳор шу ерда ёйилиб сокин оқса ҳам, юқорироқда — обжувознинг орқасида новдан тошиб қўйилаётган сувнинг шовқини эшитилиб туради. Толзор чумчуқларга тўла, улар тинимсиз чирқиллаб қулоқни қоматга келтиради. Олмадаги майна өса, калта-калта «чах-чах», «чуҳ-чуҳ»и билан чумчуқларнинг бетартиб симфониясига жўр бўлади.

Шу пайт Эшон мачитдан манқа сўфининг панг овози юштилди. Сувга қонган от ёлдор бўйини уша томонга чўзиб қаттиқ кишинади. Бу икки товушнинг бир-бирига қонушмаганидан Ойниса беихтиёр мийигида кулиб қўйди.

Абдуллажон чеълакдаги сувни лопиллатиб, зинғилланча теналикка чиқди ва Ойнисанинг: «Бас, ўзим опки-

раман», дейишига қарамай, ҳовлига киритиб, айвон пешига қўйди. У чиқиб кетаётганда Ойниса тайинлади:

— Ойнингга айт, тезроқ чиқсинлар.

— Хўп, холажон.

Кўча эшиги ёпилиши билан Ойниса учоқ бошига келди, самоварга сув тўлдирди ва тандирдан уч-тўртта саксо-вул чўғи олиб, утхонасига ташлади. Кейин саватдаги патирларни оқарган тандирга ёпишира бошлади. Тандир шу қадар қизиган әдик, унинг тафтидан Ойнисанинг юзи ловиллаб, кузларига олов тўлди.

Тандирда ёғлиқ хамир аста вижирлаб бўртиб, чакич ўринлари дарҳол шаклланди, жимжималар аввал оқариб, кейин қизара бошлади.

Ойниса патирларни узиб саватга терди. Шу вақт самовар ҳам шақиллаб қайнади. У самоварни супадаги мис баркашга келтириб қўйди. Патирларни оқ бўйрага қатор ёйди. Кейин супага хонтахта қўйиб, кўрпача ёзди. Кеча айтган дугоналарини Абдуллажоннинг ойиси Қумрини ва «Қизил тонг» фабрикасида ўзи билан бирга ишлайдиган Нина Александровна Поповани кута бошлади.

Ойниса йул-йул тик кўрпачада тирсакларини хонтахтага қўйиб ўтиаркан, ўғли Йўлдошдан келган хатни қайта ўқиб чиқди. Йўлдош шу кунларда бориб қолишини маълум қилибди ва Гулнознинг уйидан хабар олиб, тўй кунини тайинлаб қўйишни сурабди. Ўғлининг балогатга етиб, кунглига севги тушгани ва уйланишни орзу қилгани Ойнисанинг кўкрагини тоғдай кутарди ва айни пайтда унга ўз ўёшлигини, эри Тоштемир билан кечирган муҳаббатли қисқа ҳаётини эслатди...

Оддий кўкракбурма ҳаво ранг батис кўйлакдаги, бошига яшил ҳошияли оқ шоҳи дурра танғиган, шу кўклам қирқ иккига кирган Ойниса асли Чирчиқ оқиб келадиган тор томондан — Хўжакентга чиқаверишда чапда кўзга тўп булиб кўринадиган ўрикзор, олмазор Ҳондайлиқ қишлоғидан. Бундан йигирма уч йил муқаддам, яъни 1918 йилнинг эрта баҳорида ўша ерда тузилаган илк жамоа Шўросининг раиси Содиқ отанинг қизи. Ўша йили куздэ қишлоқни босган босмачиларни даф этиш учун Тошкентдан қизил аскарлар отряди чиққан. Тоғда, унгурларда қаттиқ жанглар бўлган. Босмачилар тор-мор келтирилгандан кейин қишлоқ мачити ҳовлисида қўрбошилар устидан ўтказилган суд, қизил командир Тоштемирнинг

Инқилобий ҳарбий кенгаш номидан ўқиган ҳукми ва бу ўт юракли йигитнинг жамоа Шўросини тиклашда, деҳ-қончиликни йўлга қўйишда берган ёрдамлари ҳамон Ойнисанинг ёдида.

Тоғ қишлоқлари нотинч бўлгани, босмачилар гоҳ у, гоҳ бу ерни талаб, ёндириб тургани учун Тоштемир шу томонларга тез-тез келадиган ва ҳар гал Содиқ отанинг уйига қўнадиган бўлиб қолди. Отасининг ёлғизи, әрка на әркин тоғ қизи Ойниса паранжи ёпинмас, оҳудай тошдан тошга сакраб чашмага сувга борар ва кўзасини елкасида ўйнатиб, зангори осмонни янгратиб қушиқ айтар эди. Кунглига ғам-андуҳ шарпа ташламаган, дўлана териб, равоч чайнаб юрган шўх қизлик чоғлари эди.

Тоштемир тоғ қишлоқларидан қайта туриб, Хондайлиқда Содиқ отаникига қўнган кечалари бу икки қадрдан — қишлоқ оқсоқоли билан тошкентлик ёш йигит алла-маҳалгача сұҳбатлашиб ўтиришарди. Ойниса меҳмонга ош дамлар, самовар қайнатиб, чой келтириб турар эди. Ана шундай асноларда қиз уларни әшик тирқишидан кузатар, гапларига қулоқ солар эди. Одатда унинг отаси чурқ әтмай ўтириб тинглар, Тоштемир сўзлар эди. Ойниса диққат билан қулоқ солар, лекин Тоштемирнинг гапларини қишлоқдаги бошқа йигитларнинг гапларига сира ўхшата олмас эди. У тошкентликнинг гапларидан алла-қандай янги маъно уқар, унинг жарангдор, ёқимли овозидаги сеҳр, жозиба содда дилини сеҳрлаб қўяётганини сезмай қолар эди.

Тоштемир ҳар гал тоңг фира-ширасида отини әгарлаб йўлга тушарди. У кетарди-ю, Ойниса унинг хаёли билан маст бўлиб юарди. Йигитнинг қалин қошлилар тагидаги чўғдай қора кўзлари ҳадеб кўринаверар, товуши қулоғидан нари кетмас эди. Ҳуллас, Ойниса бора-бора унинг яна келишини кутадиган, мабодо кечиккудай бўлса, тоғ оралаб чўзилган илон изи йўлга тез-тез термилиб қарайдиган бўлиб қолди.

Ойнисанинг кайфиятидаги ўзгаришни Содиқ ота сезган бўлса керак, Тоштемир тунаган кунларнинг бирида йигитнинг таг-тегини суриштириб қолди. Тасодифан әшик тирқишидан чойнак узатмоқчи бўлиб турган Ойниса тошкентликнинг ҳикоясидан шуни тушундики, унинг отаси Қўлдош aka мироб, онаси эса уйида маҳалла қизларига мактаб тутувчи отин әмиш. Содиқ ота: «Ўйланмадингизми?» деб сўраган эди, Тоштемир дастурхонга ти-

килганча бир муддат сукут сақлади-да: «Шұро омоқ бұлса, уйланиш қочмас», — деб жавоб берди.

Ойниса жамоа Шұроси деганда ўз дадасини билгани сабабли, тошкентликнинг гапи унга: «Сиз омон бұлсанғиз, уйланиш қочмас» бұлиб әшиналди. Құлидаги чойнагини ташлаб юборишига оз қолди...

Саҳар паллада Содиқ ота Тоштемир билан жамоа Шұроси идорасига чиқиб кетаётіб ҳовлидаги якка туп балх тути орқасида яшириниб турған Ойнисага буорди:

— Қызим, меҳмон акангнинг отини әгарлаб құй. Биз ҳозир келамиз.

Улар кетгандан кейин Ойниса бостирма тагига ҳуркибина кирди. Манглайида ток баргидай қызығыш қашқаси бұлган саманнинг тоғлардаги жангларда довюрак чаңандози остида жавлон урганлари, тошкентлик ботирни не-не үтлар ичидан омон олиб чиққаны ҳақида отасининг нақлларини қыз күп марта әшилган. Бедовнинг сағриси, буйнидаги чандиқлари ҳам шундан далолат беріб турарди.

Ойниса курт-курт беда чайнаётган отни бостирма устунига сұянганича бир лаңза күзатиб турди-да, таваккал қилиб охурга тик борди. От қызни сезмадими ёки сезса ҳам чүчимадими, гул ҳиди анқиган бедани куртиллатиб чайнай берди. Бундан дадил торған Ойниса унинг бүйнини, ёлини силади, әшитилар-әшитилмас: «Жонивор, бунча ювошсан...» деб ҳам қўйди. Кейин тизгинини ечиб, бостирмадан ҳовли саҳнига олиб чиқди. Нечуқдир күнглида уни булоқ бошида ювиш, тиниқ чашма сувига қондириш истаги уйғонди.

Қиәнинг меҳрини, илтижосини сезган саман от булоқ бошида бўйин әгиб туриб берди. Ойниса унинг қотган яраларини авайлаб ювди, жингала-жингала ёлларини битталаб ёзиб, таради, қорни, сағрисини қашлағич билан қашлади, кейин устидан чепак-чепак замҳарир сув қўйди. Құрама тоғлари тепасида ярим баркаши порлаган қўёш шуъласида бедовнинг танаси силлиқ йилтиллади.

Ойниса отнинг чашмадан тўйиб шимиришини томоша қилас әкан, ёнбошида шарпа сезиб ўғирилиб қаради. Қаради-ю, юраги орқасига тортиб кетди: ағдарма күн әтигининг пошналарини харсанглар устидан дүқиллатиб Тоштемир келарди.

— Эҳ-ҳе, роса пардоз берибсиз-ку жониворга! Офарин!

Ойниса юзини саман ёлига яширганча қотиб, қочишни ҳам, қолишини ҳам билмай иккиланиб турар эди.

Тоштемир Ойнисага яқинроқ келиб, тиэгинни унинг қулидан олди ва туйқусдан сўраб қолди:

— Тошкентга олиб кетайми?

Тошкентлик бу савонни нима маънода берганини қизтушунмади ва унга ер остидан ботиниброқ қараб, Ҳондайлиқ қизларига хос шаддотлик билан:

— Тошкентда нима қиласман? — деб жилмайди.

— Үқийсиз.

Ишонч билан айтилган шу биргина суз Ойнисанинг қалбини умид билан тұлдирди. «Үқийсиз!» Демак, тошкентлик унинг ҳәёти, тақдирі, келажаги ҳақида үйлаяпти. Тошкентлик тоғ қизига фақат яхшилик соғиняпти.

Қизнинг үйга чүмганини курган йигит тағин сүради:

— Е, ишонмайсизми?

— Ишонаман. Фақат... фақат дадам биладилар.

— Даданғыз рози. Ҳұп десанғыз түй қиласмиз, кейин Тошкентга кетамиз.

«Түй» сүзини әшитган Ойнисанинг вужудини сирли бир аланга қамради, юз-күзи үт булиб ёнди, тошкентликкінг отини ҳам ташлаб уйи томонга қочди. Ҳарсанғдан харсанғга сакраб, бир зұмда ҳовлиға етиб келди ва айбонда мәхмөннинг хуржунига алланималар тиқаётган дасини күргандагина әс-ҳүшини йиғиб олди.

— Ҳа, қизим, тинчликми?

Ойниса:

— Аナン... тошкентлик... — деди-ю, уйига кириб беркиниб олди.

Содиқ ота мийиғида кулиб, хуржунни ҳовлиға олиб түшди. Шу вақт Тоштемир ҳам булоқ томондан отини стаклаб келиб қолди. Унинг құли юғанда, күзлари ерда, отага қараёлмас, манглай тери чаккаларига силқир эди.

... Тоштемир шаҳарга кетгандан кейин ҳам Содиқ ота құнисе ҳеч нарса демади. Бундан үн йил муқаддам вафот оттеги хотинини әслаб күнгли үксиди. Қани әнди у ҳаёт булса, қизининг баҳтини күрса.

Содиқ ота Ҳұмсон қишлоғида яшовчи синглисини үша күнисе аравада олиб келди. Түй тараддуди бошланди. Әле ҳу легүича ёз ҳам үтиб кетди. Түй күз фаслида Ҳондайлиқта бұлды. Кейинчалик келин-куёв Тошкентга, Тошкенттегі Ариапоядаги супрадеккина ҳовлисига күчіб

келишганда Тоштемир ёр-биродарларига жажжигина ўтириш қилиб берди.

Арпапоядаги ҳовли...

Ойниса ҳозир хаёл суриб ўтирган шу супа, шу айвон ва уй. Тоштемир экиб қўкартирган шу ток. Эшик олдида-ги шохларини томга ёйган оқ олма.

Бахтли уч йил.

Тоштемирнинг сўнмас севгиси.

У жангга кетганда фироқ ўтида ёнганлари ва у келган-даги ғанимат оқшомлар, бедор кечалар, ширин орзулар. Икки жажжи фарзанд — Йўлдош билан Эргаш.

Кейин 1921 йил қишининг мудҳиш оқшоми... Мана шу супада эрининг жасадини қучоқлаб йифлагани, унинг юмуқ кўзларидан, соқол қопланган юзу иягидан ўпиб фарёд кутаргани эсида. Икки яшар зийрак Йўлдош тобут атрофика парвона бўлди. Бешикдаги Эргаш ҳеч нарсани сезмасди...

Ҳижроннинг йигирма йили.

Лекин шу йигирма йил давомида Тоштемирнинг сурати бир кун ҳам Ойнисанинг кўзидан нари кетмади, севгиси қалбини тарк әтмади.

Йигирма йилдирки, Ойниса ҳар куни әрта билан «Қизил тонг» фабрикасига ишга боради, ҳар оқшом уйига қайтади. Бироқ бирор кун йўлда ўзини ёлғиз сеzmайди — гүё, Тоштемир ёнида бирга юради, суҳбатлашади, йўл кўрсатади.

Ўғиллар камолга етди. Йўлдош геолог бўлиб, Бухоронинг узоқ қумларида кон қидириб юрибди. Техникиумни тамомлаган Эргаш Фаргона далаларида агроном бўлиб ишляяпти.

«Меҳрибон ойижоним,— деб ёзибди хатида Йўлдош,— ишим яхши, соғлиғим жойида. Сизни жуда соғиндим. Тез кунда бораман, дийдор кўришамиз.

Аммо, ойижонгинам, мен Бухорода, Эргаш Фаргонада бўлиб, сизни ёлғиз ташлаб қўйдик. Шуни ўйлаб әзиламан. Бироқ сизни якка қолдирмасликнинг чораси бор кўринади чамамда. Эсингизда бўлса керак, Медицина институтида ўқийдиган Гулноз ҳақида сўзлаб берган әдим. Гулноз шу ёз ўқишини тамомлади. Менга ёзган кейинги хатида давлат имтиҳонидан утаётганини маълум қилибди. Унинг бу қисқа ахборотидан тўй ҳаракатини қилаверинг, деган маъно сезилди. Сиздан илтимосим шуки, ойижонгинам, совчиликка дадил бораверинг, Гулнознинг уйи — Қичқириқ

бүйнде, оппоқ бувам боғларининг биқингинасида. Қизалоқнинг отаси Дадавой акани танийсиз, дадамнинг сафдошларидан, кўп одамшаванда. Аммо ўгай онаси Лобар она тулкироқ. Ҳушёр бўласиз.

Хуллас, умидим сиздан. Дала-даштда юрган биз ўғлонларингизни қанотингиз остига олишнинг бирдан-бир йули шу. Гулпоз сизга ҳамиша ҳамдам, ҳамдард бўлади.

Кўришгунча хайр, ойижонгинам.

Сизни согинган ўғлингиэ Йўлдошвой.
Бухоро, 1941 йил, 18 июнь».

Йўлдош Ойнисага кўп жиҳатдан Тоштемирни эслатади. Қадди-басти, қош-кўзлари ўхшали устига, у жиддий гапларни дадаси каби енгил, қувноқ ифодалайди. Бу, ўз ўйи, умиди, ишига ишонганидан, кўнглининг поклигидан бўлса керак. Жазира маисида сувсиэ қумларда куйиб кўмир бўлиб юрса ҳам, руҳи тетик, истаги, ишончи булоқ сувидай тиниқ. Бу унинг хатидан ҳам сезилиб турибди.

Ойниса Қумри билан Нина Александровнанинг кечикаётганидан ташвишлана бошлади. Патирларни дастурхонга тугди, устига — кеча бозордан олиб келган икки гардиш ҳолвани қўйди. Кейин чойнакни қайноқ сувга чайиб чой дамлади-да, кийиниш учун ўйга кирди.

Ўйнинг кунгай томонга қараган деразаларига уфқдан эндиғина бош кутарган қўёшнинг ёрқин шуъласи тушиб турибди. Ҳона чароғон. Бурчакдаги тиниқ тошойна ярақлайди. Ойниса ҳаво ранг товар кўйлагини кийди-да, кузгу қаршисида соchlарини тузатди. Унинг қорасидан оқи кўп қўш ўрим сочи ҳамон қуюқ, фақат чаккалари бир оз сийраклашиб оқарган. Кузлари ғамгин. Пешонасидаги ажинлар яқдол кўринади. Булар — ҳижрон излари, машақатли турмуш сўқмоқлари. Ўйқусизликданми, чарчоқликданми, буғдой ранг юзи хийла рангпар.

Үй тўрида, икки тахмон ўртасида Тоштемирнинг сурти осиглик. У ўлимидан бир ой илгари тушган. Папагида — юлдуз, гимнастёркасининг чап кўкрагида — Қизил Байроқ ордени. Энди йигирма учга кирган йигит. Лабида майин табассум, кўзлари чақнаб турибди.

Ойниса сурат рўпарасига бориб, гўё Тоштемир тириклини, унга бир дақиқа тикилиб турди-да:

Мана, совчиликка кетяпман,— деди.— Сиздан ке-

йин ёлғиз үзим йиғлаб-сиқтаб катта қилган үғлимиэни энди уйлантироқчиман. Сизнинг йўқлигингиз айниқса шу кунларда билингапти. Ишқилиб, баҳтли бўлишсин. Ишқилиб, доғларини кўрмай.

Ойниса шундай деди-ю, Тоштемирнинг кўзларига қаради. У кўзлар ҳамон чақнаб: «Қўрқма, боравер, баҳтли бўлишади!» дегандай кулиб турарди.

Шундай бўлса ҳам, Ойниса нечундир үпкасини тута олмай, ҳўнграб йиғлаб юборди.

У куз ёшларини артиб, ҳовлига чиққанда Қумри билан Нина Александровна супа ёнида суҳбатлашиб туришарди.

— Ҳа, қайнана! — Нина Александровнанинг оппоқ юзи кулгига тўлди, — патирни туғиб қўйиб, ўзингиз қаерга беркиниб олдингиз?

— Ҳуш кўрдик, Нинахон! Келинг, Қумрибону, — Ойниса дугоналари билан қучоқлашиб кўришди, уларни супага таклиф қилди. — Чой тайёр!

— Қизнинг чойи ширин бўлади, ўша ерда ича қолайлик! — Нина Александровна хандон отиб кулади. — Балки, паловсиз қайтармас!

— Қайтармайди! — Ойниса фахрланиб гапирди. — Йўлдошнинг хатига қараганда, Гулноз арзигудек келин бўлади!

Дугоналар супага чиқиб, хонтахта атрофидаги кўрпачаларга ўтиришди. Ойниса иссиқ патирдан иккитасини ушатди-да, меҳмонларига чой қўйиб узатди.

— Ҳали, хат ёзиб туришибди денг, опа? — Қумри қизиқиб сўради.

— Ҳа, Қумрибону, өевишгандан кейин ёзишади-да. Янги замонга янгича одатлар ярашади. — Ойнисанинг кўнглидаги қувончи юз-кўзига тепди. — Тўйларини ҳам янгича қиласиз.

— Ҳудо хоҳласа, — деди Қумри ва алланарсани эслагандай, қистирди: — Мен овсиим Нозикхонни ҳам айтдим. Гапга чечан. Совчиликни шундоқ ўринлатадики!

— Ажаб қилибсиз... — Ойниса бўшашиброқ рози бўлди.

— Аммо совчиликда маҳмадоналиқ ишни чаппа қилиб юбориши ҳам мумкин, — деди Нина Александровна, «нега бирорни бемаслаҳат айтасан?» деган маънода.

— Нозикхон жуда ишбилармон. — Ойниса ўртага тушган совуқчиликнинг олдини олишга уринди.

— Қани, борайлик! — Нина Александровна ўрнидан құзғалди.

— Илоҳи омин,— Қумри фотиңага құл очди,— ишимиз ўнгидан келсин!

Қумри дастурхонни құтариб олди. Ойниса әшикни құлфлади. Улар күчага чиққанларида палос, құрпачалар ёэилган арава күндаланғ туар, ясаниб олган Абдулла-жон олма тағидаги курсида керилиб ўтирақ әди.

Ойниса бу — Қумрининг иши әканини дарров пайқа-ди-да, муловзамат қылди:

— Вой айланай-ей, овора бўпсиз-ку арава қўштириб...

— Овораси борми, опажон? — Қумри керилиб гапир-ди.— Қани, болам, курсингни опке! Опоқинг қани?

— Ана, кевоттила!

Дарҳақиқат, тор күча ичидан атлас кўйлакка ўралган семиз Нозикхон амиркон кавушини фирчиллатганча сол-ланиб келарди.

Абдуллајон аёлларни аравага бирин-кетин суюб чи-қарди-да, дастурхон билан курсини онасига узатди. Ке-йин ўзи зулукдай қора йўргасига лип этиб миниб, арава шотисига қамчи уорди:

— Чу, қоракўз!

Арава анҳорнинг тахта кўпригидан гулдираб ўтиб кетди...

Иккинчи боб

УЙҚУ ҚОЧГАН ТУН

Ез кечалари узун. Қоронги тушгунча алламаңал бўлиб қолади. Аммо қоронги тушгандан кейин ҳам на нафас олиб, на кўз юмиб бўлади. Деразани ёпсангиз — уй дў-зах, ёпмасангиз — чироқ нурига капалак, чивин ёғилади. Ҳовлида ҳам шу аҳвол — шуъла йилт этдими, улар ёпи-рилиб келишади. Айниқса, Гулнозларнинг уйидай дала жойларда оқшомлар ором йўқ.

Гулноз айниқса бу оқшом бером.

Боя ҳовлидаги супада дадаси ва ўгай онаси билан ов-қатланишди. Ҳар кун овқат устида бўладиган кўнгилсиз-лик бугун ҳам бошланди. Лобар шовлага қалампир эзиб, ҳаддан зиёда аччиқ қилиб юборибди. Дадавой аканинг жигарни оғриқ, аччиқни ёёлмайди. Оғзига бир қошиқ оли-

ши билан: «Лобархон, гармдори деҳқончилик-да...»— деди. Айтган гапи шу бўлди-ю, балога қолди. Лобархон бобиллаб берди: «Сизга қайси ишим ёқувдики, ошим ёқади! Доим еганимни заҳар қиласиэ!»

— Сирасини айтсам, хоним,— Дадавой ака яна юмшоқ гапирди,— ҳар бир нарса меъёрида бўлгани маъқул. Асал ҳам меъёридан ошса заҳарга айланади. Бу бўлса ўзоти билан гармдори...

— Бир вақтлар асал эдим, энди заҳар бўп қолдим!— Лобархон баланддан келаверди.— Туну кун чок тиқаман, сигир соғаман, товуқ боқаман, бозорга югураман. Гулно-зингиз ўқишини ўқисин, деб ўчоқ бошига тиқиламан. Бу кунимдан улганим яхши!..

Лобархон ана шундай авжига чиқа бошлаганда Гулноз секингина ўрнидан туриб кетади. Бу гал ҳам қўл учини сочиққа артди-да, супадан сирғалиб тушиб уйига кирди. Чивин ёғишидан қўрқиб чироқ ёқмади. Қоронги уй деразасини ёруғ ҳовлига очиб, кесакига суянганча дадасининг гапига қулоқ солди.

— Ким сизга шунча уринсин дейди?— Дадавой ака босиқ гапиради.— Рӯзгоримиз бут. Менинг маошим учаламизга етиб ортади. Оч қолаётган жўжаларимиз йўқ. Шу сабабдан даъвойингиз уринли әмас, хоним.

— Қачон гапим сизга ўринли бўлувди?— Лобархон ҳамон жикилларди.— Ҳар қанақа эр мендай хотинни бошига кутариб юрган бўларди. Қизингизни ювиб-тараб катта қилдим. Яқинда доктор бўладилар. Мен-чи? Мен ким бўлдим?

— Ана холос,— Дадавой ака маъюсгина жилмайди.— Даъвогар суст келса, қози муттаҳам... Неча марта, ўқинг, дедим, кўнмадингиз. Ҳали ҳам кеч әмас. Ешсиз. Ўқинг.

— Бо, зарил кептими!— Лобар лабини бурди.— Ишим бошимдан ошиб ётипти.

— Ана энди ўзингизга келдингиз.— Дадавой ака шовла аччиғидан ўқчигини базур босиб, чойнакдан чой қуийб ҳўплади.— Сиз, хоним, пулга, молга ҳаддан зиёда учсиз; ҳар кун бир нарса топиб турмасангиз ўйқунгиз келмайди. Е, гапим хатоми?

— Боринг-ә!— Лобар хи-ҳилаб, әрининг биқинини тирсаги билан туртди.— Нуқул тирикчиликни бетимга соласиз!

Лобар «тирикчилик» деганда каллайи саҳарлаб уймай ўзик қоқиб қиласидан сут-қатиқфурушигини, бозорга

саватда тухум ташишини, чоршанба, якшанба кунлари эса чайқовдаги дүппифурушлигини тушунади. У үз сутқатиги, тухум, дүппилари билан қаноатланмайди. Башқалардан арzonга олиб, қимматга сотади. Чайқовда құлға тушган кезлари эса әри Дадавой аканинг Тоштрамдаги ишини, партия аъзоси эканини пеш қилади, құтулиб келади...

— Бозорчилигингиздан номус қиласын,— Дадавой ака унга әгилиб аста гапирди.— Ўртоқларим юзимга со-лишганды, бошимни кутара олмай қоламан. Энди бас қилинг! Агар үқиши истамасангиз, ишга кириңг. Ойниса опани биласиэ-ку. «Қизил тоңг»да цех бошлиғи. Бир оғиз айтсангиз, ишга олади. Чеварлиғингиз ана үшанды иш беради.


— Бо!— Лобар лаганни суреб қүйди-да, әрининг пинжига кириб әркаланды.— Ойниса опа шунча ишласа ҳам бири икки бүлмайди!

— Тағин молдан гапирасыз!— Дадавой ака хотинига ётиғи билан тушунтирди.— Дунёда пулдан, буюмдан ҳам азиэроқ нарсалар бор. Ҳа, пулға ҳам топилмайдынгы нарсалар бор! Сиз шуларни бир үйлаб қўйинг.

Лобарнинг калласи ишлайди, зеҳни ўткир. У Дадавой аканинг мақсадига тушунади. Лекин Лобар учун энг азиз нарса битта: бисот. Құш сандық тиқин нафталинлаб қўйилган моллари. Анвойи баҳмаллар тахидаги даста-даста червонлар. Дунёда булардан азиз нима бор!

Дадавой ака Лобарга биринчи марта насиҳат қилаётгани йўқ. У хотинига ҳақиқат гапни ўн йилдан бери ҳар куни эслатади.

Ўн йил... Лобар уша вақтда энди йигирма тўртга кирган дўндиққина жувон әди. Даля жойга тушиб, ўзи танлаган биринчи әри билан уч йилча яшади. Боғдорчилик колхозида бригадир бўлган у йигит Лобарга қаттиқ кўнгил берган бўлса ҳам, кейин нечукдир совуб қолди ва унинг туғмаганлигини баҳона қилиб, қўйиб юборди. Лобарга ҳадеганда бошқа эр топилавермади. Уша кунларда Дадавойнинг бошига катта ташвиш тушганди. Хотини Азизахоннинг боласи тескари келиб, туғишида фожиа юз берди: ўзи ҳам, чақалоги ҳам операция вақтида нобуд бўлди. Дадавой ака ўн бир яшар Гулноз билан қолди. Жуда қийналди. У қизини еру кўкка ишонмас, ҳатто ишга ҳам етаклаб бориб, етаклаб келарди. Азизанинг йил энисидан кейин Дадавойнинг ўртоқлари, айниқса, ишхо-



надаги ҳамкасблари уни иккичи марта уйланишга маълум бўр қила бошладилар. ~~Хатто энди заман бўши очиқ жувон ҳам топдилар. У жувон мана шу Лобар эди.~~

Дадавойнинг дўстларидан бирининг уйида уни Лобар билан учрастиришди. Дадавой Гулнозни у ерга ҳам етаклаб борди. У вақтда эндигина ўттиз бешга тўлган барваста йигит Дадавой Лобарга бир кўришдаёқ ёқди. Аммо Дадавойнинг ташвиши бу лўппи жувонга ёқиш-ёқмасликда эмас, балки Лобарнинг Гулнозга муомаласи қандай бўлишида эди. Лобар Дадавойнинг ташвишидан аллақачон хабардор қилинган бўлса керак, Гулнозни бағрига босиб, у юзи, бу юзидан упти, майин овоз билан «қизим» деб эркалади.

Шу билан фотиҳа қилинди.

Мана, ўн йилдирки, Лобар Дадавой aka хонадонининг яккаю ягона бекаси, айтгани айтган, дегани деган...

Ҳар гал эри насиҳат бошлаганда Лобархон гапни чалғитади, эркаланиб, суйкалиб уни эритади. Бу гал ҳам шундай қилди. Айниқса Дадавой аканинг Ойниса опадан гап очгани қўл келди. Лобар шу гапни дарҳол илиб олиб.

— Вой эсим қурсин! — деди, эрига сузук шаҳло кўзлари билан кулиб қарапкан.— Бугун Йўлдошвойдан Гулнозга тағин хат келди. Совчи юборишини ёзибди.

— Бироннинг хатини очиб ўқиш одобдан эмас,— деди ранжиб Дадавой aka.— Гулноз хафа бўлади.

— Нега хафа бўларкан?— Лобар чордана қуриб олди, қарға шойи рўмолчасига пешана терини артди.— Мен онасимасманми?

— Албатта, онасисиз.— Дадавой aka босиқ гапирди.— Бироқ шуни унутмангки, хоним, Гулноз катта қиз бўлиб қолди. Йўлдошвой билан иккови болаликдан таниш. Улар бир-бирига кўнгил берган әкан, ўзаро сирлари бўлиши мумкин. Айни вақтда Гулнозимиз ота-онасидан гап яширадиган қизлардан эмас. Чунончи, шу кунгача нимаики сири бўлса, сизни ўз онасидай қуриб айтиб келган. Ёшундоқ әмасми?

— Шундоқку-я...

— Балли!— Дадавой aka ёстиққа ёнбошлаб, товушини пасайтириброқ гапирди.— Бу ишни бир қилибсиз, иккиламчи қилманг!

— Сиз доим шунақасиз,— Лобар аразлагандай йуғон лабини бурди.— ~~Кизингизни мендаш юкори кўясиз!~~

— Ана холос!

Дадавой ака Лобарга: «Сенга шу қиәим туфайли уйланганман. Е унутдингми?» демоқчи бүлди-ю, тағин бир можаро бошланишидан чүчиб, хотинининг ҳозиргина айтган гапига жавоб қилди:

— Совчилар келадиган бұлса, тайёргарлик куринг!

Эрининг бундай қатъни гапини әшитган Лобар беихтиёр лабини тишилади...

...Дераза кесакисига суюлиб турған Гулноз дадасининг сүнгги сүзларини анық әшитди. Эшитди-ю, юрагининг бир ҳаяжонига үн ҳаяжон қүшилди. Умуман, у Йүлдошдан хат олғандан бери үзини құярга жой тополмасди. Гарчанд Гулноз Йүлдошни севса, у билан умрбод бирга бұлшыны орзу қылса ҳам, үз ҳаётида бу қадар тез үзгариш ясалишини тасаввур эта олмас ва бунинг устига, дадасини ташлаб кетиш унга нечукдир әриш туюлар әди. Айниңса, дадасини Лобарнинг құлига ёлғыз ташлаб кетиш... Йүқ, бу сира ҳам ақлига сиғмайди!

Лобар аждар әмас, Дадавой акани ютиб юбормайды, албатта. Лекин у аждардай аврайди. Авраб туриб үз ишини битиради.

Шуларни үйлаб Гулнознинг дили ғаш бұлар, үзини овутыш учун Йүлдошнинг хатини қайта-қайта үқигиси, ундағи маънени жон-жонига сингдириб олгиси келди. Буннинг учун ҳовлидагиларнинг ётишини кутиш керак. Улар үйқуга кетгандан кейингина үз хонасида холи қолиб чироқ ёқади, севгилиси мактубини түйіб-түйіб үқийди, қалбининг чанқогини қондиради.

Ҳовлидаги супада әса, ҳамон ғұнғир-ғұнғир. Лобар совчиларни кутиш билан иш битмаслигини, фотиҳанинг кетидан түй бұлишини, түйга әса «ҳеч нарсаси» йұқлигини айтаб сайрап, Дадавой ака унинг ҳовурини босишга ҳар қанча уринса ҳам, хотини жонига теккан булбулигүёлигини қўймас әди.

— Ойниса опанинг нимаси бор? — деб шовқин соларди Лобар.— Арпапоядаги товуқнинг катагидай ҳовлиси-ю, ойда бир оладиган арзимас моянасими? Үғиллари әнді үқишини битирған, ҳали ҳеч нима топғанмас. Нимасига түйқилишини үйлайдими улар?

— Оғзингизга қараб гапириңг,— Дадавой аканинг шаҳли чиқди шекилли, сал қизишиб уқтиреди.— Ойнисашнинг оры марҳум Тоштемир — қиёматлик дүстим. Бирга үсні, бирдін улғайғанмиз. Унинг болалари — менинг бола-

ларим. Ойнисани бұлса үз туғишидан синглимдан ортиқ биламан. Уларга тил теккизманг, хоним!

Дадавойни ғазаб бүгди, нафаси қисиб йұталди-да, үтирган еридан қалқиб туриб кетди. Супадан ерга тушаётганды гандираклаб йиқилаёзди. Лобарнинг миқ этмай үтирганини дәразадан күриб турған Гулноз ҳовлига сакраб тушиб дадасини сүяди, унга чой ҳұплатди.

— Раҳмат, қизим,— Дадавой ака үзига келиб, Гулнознинг елкасини силади.— Ет, ором ол. Мен гузарға чиқиб келаман.

Гулноз дадасини күча әшиккача күзатиб қўйди ва нохуш бир аҳволда орқасига қайтди. У ҳозир Лобарнинг сасишини, дадасининг аламини қизидан олишини биларди. Лекин бунинг тескариси бўлиб чиқди. Гулноз супага яқинлашганда угай онаси чаккаларини муштлаб, сочини юлиб ҳўнграб йиғлаётганини кўрди...

Гулноз ажабланмади. У наврӯз ҳавосидай гоҳ илиб, гоҳ совиб қолар, гоҳ чақиндай ярқираб, гоҳ тумандай тумтайиб оларди. У Дадавой акани карашма билан эрита олмаганда таҳдиду ситам билан әгади. Лекин бу оқшом униси ҳам, буниси ҳам кор қилмади.

Гулноз дадаси билан угай онаси — «опаси»нинг машмашаларига одатда аралашмас эди. У дадасининг бундай пайтларда гузарға чиқиб, ҳаммаҳалларининг суҳбатидан дил чигилини ёзиб келишини, муғамбир Лобарнинг эса, уйига беркиниб олиб, әртага бозорга олиб борадиган тұхумларини санаб саватга теришини билади.

Гулноз бугун ҳам уйига кириб кетарди-ю, бир нарса уни йўлдан қайтарди. Бу, әр-хотин ўртасидаги кўнгилсизликка ўзининг алоқадорлиги, жанжалга үз ҳаёти, тақдири сабаб бўлганлиги эди. У супа ёнида бир нафас тұхтади ва бошини хонтахтага уриб ҳўнграётган Лобарни кўздан кечирди: унинг зангори шоҳи дурраси бошидан учиб кўрпачада ётар, ҳар бири билакдай қуш үрим сочи кенг елкасида, кўйлагининг йилтироқ атласида тўлғанарди. У тик кўрпачага беуҳшов чўккалаган, әтаги остидан оппоқ йўғон болдиirlари кўриниб турарди.

— Опа, ўзингизни босинг,— деди Гулноз юмшоқ төвүши билан.— Мен хафа қилган бўлсам кечиринг.

Лобар йиғидан тұхтаб, Гулнозга ўшли кўзлари билан қуш боқиши қилди:

— Айб дадангизда,— деди у ҳамон ҳиқиллаб.— Санаамасдан саккиз деяверадилар. Тўй қилиш осон бўлтими?

Боя дадасининг аҳволига ачинган Гулноз энди нечукдир Лобарга ачинди. Гулноз боя дадасининг Лобардай тулки қўлида қийналишига ачинса, энди Лобарни кузаткан, инсоннинг ўз инсоний фазилатларидан маҳрум бўлганига, унинг қалбини пасткашлик пўпанаклари чирмаб олганига ачинарди.

— Сизга қийин, опажон.— Гулноҳ заҳарханда билан гапирди.— Пулни осонлик билан топмайсиз. Сизга молдунё жондан ҳам ширин. Аммо шу сўзимни қулогингизга қўйиб олингки, менга пулингиз ҳам, бисотингиз ҳам керак эмас.

— Ҳой, менга қаранг,— Лобар истеҳзо аралаш кулади.— Ўлгудай писмиқ экансиз. Йиғиб қўйган пулингиз шунақа кўпми?

— Ҳа, пулим кўп,— Гулноз қўлларини кўкрагига қувуштириб ўйчан гапирди.— Давлатим катта, опа. Давлатим, аввало, дадам. Сиз қадрига етмасангиз ҳам, мен етаман унинг қадрига. Тағин бир давлатим — илмим, ҳунарим. Мен учун шундан ҳам катта давлат бўлиши мумкинми? Сиз, пул деганимда сандифингизда сичқон кемириб ётган червонларни ўйлагандирсиз. Хотиржам бўлинг, опа, пулингиз ўзингизга буюрсин. Ялиниб берсангиз ҳам мен олмайман.

— Ўргилай, пулдан ҳазар қиласиган қизимдан!— Лобар лабини бурниб кулди. Гулнознинг шиддат билан туриб уйи томонга юрганини кўрганда ҳушёр тортиб, уни тағин гапга солди:— Ҳой, тұхтанг, Йўлдошжоннинг хатини ўқиб бермайсизми?

— Мендан аввал ўқиб олгансиз.— Гулноз ачитиб гапирди.— Совчиларнинг ҳам ташвишини қилманг. Дадам ўзи кутиб олади.

Гулноз уйига кириб кетди-ю, чироғи ёқилмади. «Ҳой-наҳой, мени деразасидан кузатяпти,— деб ўйлади Лобар.— Бо, менга деса ўз ёғига қоврилмайдими!»

Лобар дастурхонни йиғишириб, лагандаги шовлани, самовар-патнисларни саранжомлади-да, электр лампани бураб учирди. Кейин уйида, деразаси тагига ёзилган түшакда алламаҳалгача ўй суринб ётди. Эртага келиши мумкин бўлган совчилар унга ҳамон тинчлик бермасди. Уй кўрар, фотиҳа, туй... Лобар шуларни ўйлаганда кўз олдига нуқул сарф-харажат келар, қўш сандиги билан қўш тахмондаги духоба кўрпалари, шоҳи кўрпачалари, парқу болишлари кўринаверар эди.

Қиңқириқ томондан әсган шамол ҳовлини тұлдириб, соҳилдаги жиіда гуллари ва шу яқындаги райхону жамбилилар атрини очиқ деразадан олиб кирған бұлса ҳам, Лобар димиқиб, күнгли беҳузур бұлаверди. Ҳатто зеб-зийнатлары ҳам зилдай туюлиб, бармоқларидаги құш-құш узуклари, билакларидаги қалин билагузуклари, бүйнідеги шода-шода дурлари-ю, қулоқларидаги марварид терилған балдоқларини бир-бир олды ва дуррасига әхтиётлик билан туғиб, токчадаги қутичасыга солиб, қулфлади. Бироқ әнди күнглига вахима тұлди: әри гузарда, Гулноз уйига гумдон булған, үғри босса-я... товоңларигача титроқ туриб қутичани тағин очди, тақинchoқларини тұшаги тағига тиқди-да, күрпага үралыб олди...

Гулноз үгай онасининг ҳали-бери ухламаслигини билса ҳам, ортиқ сабри чидамади. Деразага қалин парда тутиб, чироқ ёқди. Ізев столи ёнига бориб стулга үтиради-да, мактубни құлиға олди. Қиз, оддий дафтар варағининг иккى бетига яшил сиёҳда ёзилған сүзларға күз нурини тұқди.

«Уртаниб соғинган севгилим, баҳтим юлдузи Гулнозим!— деб хитоб қиласыры Үйлешнинг муштоқ қалби.— Мана, олти ойдирки, ҳар күн, ҳар соат, ҳар дақиқам сизнинг хаёлингиз билан имиллаб үтепти. Қуёш ёндиради, құмга босилған этик пошнаси қуяди. Ҳароратдан лаблар қовжираб, танлар кабоб бұлади. Бироқ бағримдаги олов — сизға ишқим алансаси олдидә булар ҳаммаси ҳеч гап әмас. Ҳижронни фақат китоблардан үқирдим. Әнди бошимга тушди. Агар сизни күриш, севиши ва севиши умиди бұлмаса, бу үтли алансага балки бардош беролмагаң бұлардим.

Меҳрибон Гулнозим!

Геология партиямызның иши охирiga етайде қолди. Олимларимиз назарий тахмин қылған кон амалда топилди. Биз очган хазина Ватанимызға арзирлик тортиқ бұлади, деб умид қиласыз.

Бугун шаҳримизға қайтиш ҳақида буйруқ олдик. Эрта-индин йұлға чиқамыз. Имтиҳонларингиз тугаш олдидан етиб бораман. Врачлик шаҳодатноманғизни яхшигина «ювармиз», деб умид қиласаман. Аввало, сизни самолётда шаҳар устида саир қылдирман. ТошМИ тепасида бир нағас тұхтаб, азиз даргохингизға гулдаста ташлаймиз. Кейин, Қиңқириқ устида кезамиз, уйингиз атрофида парвона бұламыз. Хұпми?

Яна бир гап шуки, сизнинг олдингизда гуноҳ иш қилиб қўйдим, яъни сиздан ижозат олмай туриб, онамга: «Гулнозингизнига совчиликка боринг», деган маънода хат ёзиб юбордим. Аммо айтиб қўяйки, бу гуноҳимни ювиш учун сиз белгилайдиган ҳар қандай жазога тайёрман.

Оразуларим сизга аён, Гулнозим. Кунглим дафтарини узингиз неча бор варақлагансиз, ўқигансиз. Модомики, одам бир марта яшар әкан, умрбод бир киши билан — уз сенгилиси билан яшаши зарур. Ҳаётнинг бошқа маъноси ўйқ. Сиз, севгилим дилига дилимни пайванд қисам ва бу ажойиб пайванддан чиройли ниҳоллар қўкарса, анвойи гуллар очилса, болдай мевалар етилса кошки әди!

Устоз Бобир Мирзо айтган эканларки:

«Ишқ дардини чекиб ҳар кимки топса васли ёр,

Ул замон бўлғай унут юз йилги ҳижрон шиддати...»
Гулнозим!

Сизнинг ой юэзингизни кўриш билан ҳижрон зулматидан қутуларман. Яна сиз севган кўкаламзор далаларда бирга-бирга кезармиз.

Тезроқ дийдор кўришиш умидида: *Йўлдошинги*.
1941 йил, 18 июнь, Қизилқум».

Гулноз «...сиз севган кўкаламзор далаларда...» сузларини қайта-қайта ўқиб чиқди. Дили ўйнади. Оҳ, Қичқириқ қирғоқларидан шимолга чўзилган сокин далалар! Ям яшил боғлар! Гоҳ у, гоҳ бу ерда ола сигирлар кўриниб қоладиган кимсасиз ўтлоқлар.

Гулноз билан Йўлдош илк кўклам тонглари шу далаларга яёв чиқишарди. Йўлдош белға тепадиган ўтлар орасидан шудринг резалари гавҳар зарраларидай йилтираб турган чучмўмалар териб Гулнознинг майда ўрилган сочларига қадарди. Кейин улар шимолга тагин бир-икки чақирим юриб поезд йўлини кесиб ўтишарди-да, лолалар қопланган қирларга кўтарилишарди. Ҳамма ёқ сукутда — ҳамма ёқ қип-қизил гилам. Тиниқ зангори кўкда тўргайлар эркин қанот қоқиб ўтишарди. У ер-бу ерда шохларини кенг ўйган қора толларда майналар тинимсиз сайрарди. Аллақаердан учиб келган попишак ўзини товус ҳис қилиб, қуёш нурлари остида товланиб, ўйин қиласарди...

Йўлдошнинг шундай дақиқаларда завқи кунглига сифмай тошар, осмон, қуёш, ишқ ҳақида сўзлар әди. У институтни ингигина тамомлаб Геология бошқармасига ишга кирган, айни вақтда авиаклубнинг учувчилик тўгарагига

қатнарди. Фазойи бепоён юксакликка мафтун бұлған бу йигит әндилікда самолётни мустақил бошқарар, Гулнозни құқда сайр қылдариш унинг орзуси әди. Бугунги хатда ҳам шуни ёзибди.

Институтда, Гулнознинг группасида йигитлар күп. Лекин уларнинг ҳеч бири Йұлдошга үшшамайды. Эхтимол, Гулнозга шундай туюлар. Ҳар қалай, Гулноз уларнинг ҳеч биридан үзи танлаган касбдан бошқа нарсага интилганини, айниқса, құқда парвоз этишни орзу қылганини әшитмаган.

Гулноз Йұлдошни матонатли, үта жасоратли бұлгани, бағрининг кенглиги, қалбининг ҳассослиги, яна аллақанча фазилатлари учун севиб қолди.

Бұлтур баҳор оқшомларининг бирида, улар даладан құчоқ-құчоқ лола күтариб қайтишаётганда, Қичқириқ бүйінга, Гулнознинг уйига яқынлашғанларида Йұлдош оч яшил барғ ёзған жийіда тагида тұхтади ва биринчи марта севги ҳақида оғиз очди.

— Модомики, одам бир марта яшар әкан, умрбод бир киши билан — үз севгилиси билан яшамоги зарур...

У мұхаббат изҳорини шу сұзлар билан бошлади. Худди бугунги мактубида ёзганидай...

Йұлдошдай бир сұзли, ростгүй, мәрд йигитта ишонса булади.

Гулноз ишонди.

Улар бир-бirlарини умрбод севиши, ҳамиша бирға булиш ҳақида ақд-паймон қилишди...

Гулноз мактубга термилиб, Йұлдошни үйлаб үтирапкан, дераза кесакиси чертилди.

— Қызим, ухламадингми?

Гулноз дадасининг мулоіим товушини әшитиб дархол пардан олиө ташлади.

— Келинг, дадажон!

— Ет әнди, оппоқ қызим.— Дадавой аканинг күзлари нечундир ғилтилларди.— Мен борман, асло ташвишланма. Худо хоҳласа...

— Раҳмат, дадажоним!— Гулноз уялиб юзини құллари орасига яширди.

— Шунаңа чиройли түй қылайликки!

Дадавой ақа бошқа ҳеч нарса демади. Унинг оёқ товушлари узоқлашғандан кейингина Гулноз юзини очди. Лекин унинг юраги ҳамон дукиллаб урар әди.

Чироқни үчирди...

Учинчи боб

СОВЧИЛАР

Құқон арава Арпапоя анҳори күпригидан тарақлаб үтгандан кейин, Құтарма маҳалласи усти билан Ҳадрага чиқди. Абдуллажон от бошини Эски Жұвага бурди. Кейин арава ғилдиреклари Қадавотнинг тош терилган күчасини осонгина босиб үтди, Құмлоқ гузари оша Тешикқопқоқ қабристонини ёнлаб Қиңқириққа юрди. Ҳамма әк ям-яшил үтлоқ, дараҳтзор, күкатлар, гуллар атри димоққа гуп этиб уради. Дарҳақиқат, бу ерда манзарагина әмас, ҳаво ҳам шаҳардагидан тамом үзгача: иссиқнинг тапти унчалик зўр әмас, шабада илиқ бўлса ҳам, ёқимли, тиниқ зангори осмон кўзни қувонтиради.

— Отин ойимларга хабар бердингизми? — сўради Ойнисадан Қумри анҳор бўйидаги яшил боғлардан бирига ишора қилиб.

— Ҳа.— Табиат латофатидан Ойнисанинг кўзлари қувнаб жавоб берди.— Қайтишда, албатта, қўниб үтамиз!

Абдуллажон боғ кўчадаги шарқираб оқаётган ариқ бўйига етганда от жиловини тортиб, аравадагиларга ўгирилиб қаради-да. Ойнисадан сўради:

— Ҳола, Дадавой аканикига борамизми?

— Ҳа. Танийсизми?

— Мижозим бўладилар. Ҳар йил кўмирларини ўзим ташиб бераман.— Абдуллажон қулидаги қамчиси билан ўнг томондаги томлардан бирини кўрсатди.— Ҳов анави, пичан босилган том. Қани бўлмаса, чанг-пангни қоқиб олайлик!

Абдуллажон әгардан енгилгина сакраб тушиб арава орқасига үтди, курси қўйди ва совчиларни бирин-кетин сувъ туширди. Ҳамма қоқиниб, ариқдаги салқин сувда бет-қулини юва бошлади. Абдуллажон роса чанқаган бўлса керак, уч-тўрт ҳовуч ичиб ҳам юборди.

Абдуллажоннинг Дадавой акани «мижозим бўладилар» дегани совчиларга жон киритиб юборди. Аввало Қумри углидан гина қилди:

— Улгудай ичингдан пишгансан, Дадавой акани била туриб шу ерга келгунча миқ әтмабсан-а!

Ариқ бўйида пишиллаб ўтирган хўппасемиз Нозик ёнидаги Қумрининг биқинини тирсаги билан туртди:

— Үглингиз отасининг ўзгинаси. Салим ака ҳам шунака писмиқ.

Нозикнинг бу қўпол сўзидан Қумри билан Абдуллајон эмас, бошқалар ҳам ранжиidlар. Ариқ бўйида иссиқдан боши айланиб ўтирган Ойниса ўртадаги кўнгилсизликни кўтариш учун суҳбатнинг жиловини ўз қўлига олди.

— Дадавой ака,— деди у Қумрига,— Тоштемир акангизнинг яқин дўстларидан. Улар болаликдан бирга катта бўлишган. Тошкентда инқилоб бошланганда мен янгигина келин эдим. Ўша йили Тоштемир акангиз отряд тузганда ёнг аввал Алижон ака билан Дадавой ака ёэилишган. Тўрт йил бирга бўлишди, бир бурда нон, битта майизни ўртада баҳам кўришди. Йигирма йил ўтган бўлса ҳам, ўша кунлар ҳали-ҳали әсимда. Улар тоғлардан ҳориб-толиб, яраларига кигиз босиб келишарди-да, ёнимиздаги Форобий боғида тўпланишарди. Тоштемир ака тамбур, Алижон эса дутор, Дадавой ака най чалар, биргалашиб ашула ҳам қилишар эди. Мен Йўлдошни етаклаб, Эргашни қўлимга олиб чиқардим. Эсингиждами, Қумрихон, иккаламиз дараҳт орқасидан мўралашиб эшитардик.

— Эсимда.— Қумри сувда оқиб келган оқ-қизил олманни тутиб, кафтида томоша қиларкан, жилмайди.— Ўшанга йигирма йил бўлдими-а, опажон?

— Ҳа...

— Ўша вақтдаги чақалоқлар энди куёв.— Нина Александровна тарам-тарам қизарган оқ лўппи юзини рўмолчасига артаркан, гапга аралашди.— Биз қариб қоляпмиз.

— Вой, нега қарир әкансиз!— Қумри Нина Александровнанинг ажин тушмаган силлиқ чеҳрасиға ҳавас билан тикилди.— Ҳали ўн гулингиэдан бири очилмаган!

Бунаقا шўх гапларни хуш ёқтирадиган Нозикхон хандон солди-да, ўринидан турди:

— Қани, юринглар. Гап билан бўлиб, совчиликдан қолмайлик.

— Отин бувининг боғини биласизми?— Ойниса Абдуллажондан сўради.

— Биламан, Қўлдош бобом уйларими?

— Ҳа, сиз арава билан ўша ерда туринг, биз яёв бориб келамиз.

— Вой опажон-эй,— Нозик қалингина мойли лабини бурди.— Обрў билан борайлик-да!

— Арава обрў эмас, одам обрў!— Ойниса жилдий гамирди.— Абдуллажон, бораверинг!

Абдуллажон от жиловидан тортиб аравани орқага —
Қичқириқ буйнга бурди. Хотинлар дастурхон кутариб
юқорига — Дадавой aka уйи томонга кетдилар.

Йўл-йўлакай Нозик Ойнисадан сўради:

— Опа, Дадавой аканинг кейинги хотинини таний-
сизми?

— Йў-ўқ... — Йўлдошнинг кечаги хати таъсирида бўлса
керак, Ойниса бушашибгина жавоб берди.

— Мен танийман! — Ариқ бўйидаги ялпизларни босиб
бедана юриш қилиб кетаётган Нозик гап қотди. — Лобар-
хон — ой деса ой, кун деса кун, бинойидеккина жувон. Ло-
бархон «гаҳ!» деса Дадавой акангиз парр... этиб қўлига
қўнади.

Лобарнинг бу таърифи Ойнисанинг кўнглида Йўлдош-
нинг хати туфайли туғилган шубҳа учқунини ўт олдири. «Демак, ўғлимнинг хавотири тўғри экан. Ишқилиб, охири
бахайр булсин», — деган гап кўнглидан ўтди.

Ойнисанинг ташвишини сезган Нина Александровна
унга таскин берди:

— Ҳамма гап ёшларнинг бир-бирига муҳаббатида. От-
она ўз фарзандининг бахтини истайди.

— Ҳак гапирдингиз, ўргилай! — Қумри Нина Александровнанинг фикрини тасдиқлади.

— Аммо қизи борнинг нози бор, — Нозик тагин ша-
рақлаб кулди. — Оёқ тираб олишса ажаб эмас. Ахир, қиз
устириш...

— Сизни бекорга опкетаётганимиз йўқ, — Қумри
унинг гапини булди, — бизга кўнишмаса, сиз кўндирасиз
деган умидда.

— Кўндираман! — Нозик қерилди. — Чимидиқни ба-
ланд тикиб янгагинаси ўзим бўламан!

Бу вақт улар садақайрағочдай кенг қанот ёйган пакана-
гина шотут тагига этиб келдилар. Ҳар бири пилладай,
қийғос қизарган шигил меваларнинг учлари қорайиб ту-
риди.

— Келдик. — Ойниса шотут соясида рўмолчasi билан
сланиди. — Ана шу эшик.

— Келин бўлмишимиз туппа-тузук. — Қумри эшик ол-
лидаги озода саҳнни кўздан кечирди. — Ҳамма ёқни чин-
нидай қилиб қўйибди.

— Бол! — Нозик оппок билагини дарахтга чўзиб, қора-
ниб шиншаган шотутдан оғзига ташлар экан, тебранди. — Ҳо-
шнрги қизлар кўча супурадими, Лобархоннинг иши бу!

— Оғмачи бүлмай үлинг! — Құмри Нозикни чимдіб олди.— Ҳали уятга қўймасангиз!

Нозик жавоб бериш үрнига шотутни тушираверди.

Эшикдаги шарпани уйдагилар сезди шекилли, девор орқасидан шошқин ҳаракатлар, өёқ товушлари, гап-сўзлар әшитилди. Нозик йўлдошларига қараб маъноли кўз қисди. Ойниса әшикка яқинлашиб ҳалқасига қўл юборган әди ҳам, якка тавақа сарғиш әшик үзи очилиб, оддий тиринка шим-кўйлакда, бошида тўрт бурчак кўк дўппи, оёғига енгил шиппак кийган Дадавой ака қўринди. У Ойнисани дарҳол таниди шекидли:

— Ия, ия,— деди шошиб қолиб,— Ойнисабону! Ассалому алайкум.— Кейин бир қадам орқага чекиниб, мәҳмонларга йўл берди.— Қани, қанч, киринглар!

Совчилар бир-бирига: «Сиз киринг, сиз үтинг» қилишиб, ҳовлига киришди. Дадавой ака уларни гулзор бўйидаги янги кўрпачалар ёзилиб, хонтахта қўйилган супага бошларкан, ҳамон мулозамат қиласарди:

— Оббо, Ойнисабону-ей, зап келибсизлар-да. Қани-қани, супага!

— Ҳовлингиз бирам сулув бўпти! — Ойниса ранг-баранг очилиб ётган гулларни, барқ урганрайхонларни кўздан кечирди ва ийманибгина сўради:— Лобархон кўринмайдиларми?

— Келади, келади,— Дадавой ака нечундир ерга қарди.— Кеп қолади. Гулноз уйда.— У деразага қичқирди:— Ҳой, оппоқ қизим, чиқа қол, ўзингнинг Ойниса холанг, чиқа қол, бутам!

Айвондан уйга кириладиган әшик аста очилиб, Гулноз чикиб келди. У майдада ўрилган соchlарини бошига бир тўп чамбар қилган, ўзига ярашган оқ шоҳи кўйлагининг кукраги билинар-билинмас тепиб туарар, бўйи новчагина, қош-киприклари қуюқ, сал чўзинчоқроқ оқиши юзи бўртган, кўзлари... ўт ёниб турган чиройли қуralай кўзлари нечундир қизарган әди.

Ойниса унинг етиб келишини кутмасдан қаршишига юриб борди. Гулноз айвондан тушиши билан учрашдилар. Қиз бошини әгиб салом берди. Ойниса бағрини очиб, унинг бошини кўкрагига босди, пешанасидан ўпди.

— Онанг бўйгинангдан айлансин! — деди ҳаяжондан товуши титраб. Кейин қизнинг кўзларига тикилди.— Чақнаб турган юлдузингга тасаддуқ!

Нина Александровна ҳам Гулноз билан қучоқлашиб күришиди.

— Вой, қыз ҳам шунақа иссиқ, дүндиң бүладими!— деди у Гулнознинг юз-күзларидан үпиб.— Яхшимисиз, қизим, имтиҳонлар билан чарчамадингизми?

Гулноз Нина Александровнанинг таърифини Йулдошдан кўп марта әшитган бўлса ҳам, унинг ўзбек тилини бу қадар яхши билишини, сўзларни бунақа тўла ва бийрон талаффуз қилишини билмас эди. У, барваста хушқомат, бир ўрим йўғон оқ-сариқ сочи бошида чамбар—гўзал рус аёлига дадил боқиб, қалбининг аллақайси нозик ерида унинг қайноқ меҳрини сезиб яйради. Қыз ўз ҳаётининг ҳозирги бурилиш нуқтасида Ойниса опа билан Нина Александровнага ҳавас билан боқиб, беихтиёр: «Менинг онам ҳам шуларга ўхшаган бўлса керак», деб ўйлади.

Гулноз Қумри билан Нозикка эгилди, улар «Эсонмисиз, омонмисиз, әсон-омон юрибсизми?»— деб қизнинг елкасига қоқиб қўйдилар.

Шундан кейин Дадавой aka меҳмонларни супага таклиф қилди:

— Марҳамат, әгачилар, бемалол ёзилишиб ўтиринглар!

Хотинлар бир-бирларига ҳурмат билдириб: «Аввал сиз!», «Қани, сиз чиқинг» дейишиб турганларида Нозик: «Мана мен чиқдим», деб тўрга чиқиб тап әтиб ўтириди. Қумри овсинининг қилиғига кулиб қўя қоларкан, Ойниса ер ёрилса кириб кетгудай бўлди.

Меҳмонлар хонтахта атрофидан жой олишди. Дадавой aka супа чеккасига омонатгина ўтириди. Гулноз дадавининг биқинига қўнди. Дадавой aka фотиҳага қўл очди:

— Омин, сиҳат-саломатлик, тинчлик-омонлик бўлсин.

Гулноз уйдан қордай оппоқ оҳорлик дастурхон олиб чиқиб ёзди.

Ойниса ҳамроҳларини уй әгаларига бир-бир таништириди:

— Бу киши Нинахон бўладилар, «Қизил тонг»нинг мудиралари. Агар әсласангиз, Дадавой aka, сизлар билан отрядда бўлган Андрей Николаевич Поповнинг рафиқалари...

— Ия-ия, әслаганда қандоқ!— Дадавой aka жонланиб кетди.— Туркфронтда Андрей aka билан бирга бўлганмиз. Фарғона, Ашхобод... Эҳ-эҳе, әслаганда қандоқ!

Шарқий фронтда у киши командиримиз, Тоштемир комиссаримиз әдилар. Паровоз үтхонасига саксовул, янтоқ, қоқ балиқ ёқиб силжиганларимиз, саҳродаги жанглар... Тоштемирни дағн қылганимизда Андрей ака сұзлаган нутқын ҳали-ҳали унутмайман. Юрек-багирлари уртаниб гапирган әдилар! Унугиб бұладими у кунларни, синглим!

Ойниса уй әгаларига Қумри билан Нозикни ҳам та-ништируди. Шу пайтгача керилиб, «совчилукни болпрайман, менсиз буларга йүл бұлсын!» деган фикрдаги Нозик Ойниса билан Дадавой аканинг эскидан танишлігіни күриб, бу хонадонга бекор келганини тушунди-да, оқизоқ нондай ивиб, шалвираб қолди. Унинг бирдан-бир иши — бұлғуси келиннинг юриш-туришини күзатиш бўлди.

Гулноз бир патнисда нон, бир патнисда мева келтириб дастурхонни туздатди. Мева хилланган: писта, майиз, магиз, бодом, қандолат, новвот, гулдор пиёлаларда турли мурабболар ва ҳиди гуркираб турган янги асал. Дадасига: «нонни ушатинг» дегандай имо қилиб, ариқ бўйида шақиллаб турган самоварни кўтариб келди, чой дамлади, жажжи пиёлаларга бир ҳўпламдан қўйди, аввал дадасига, кеънин меҳмонларга бир чеккадан әгилиб узатди. Шу билан вазифасини бажарган ҳисоблади шекилли, орқаси билан охиста юриб ҳовли этагига — боққа кириб кетди.

Шуларни кўрган Нозикнинг суқи келди. Одобда мислсиз қиз, кўзни қамаштирадиган гулзор, ҳозиргина Гулнозни бағрига яширган бир текис ишкомлар... Айни вақтда Нозикнинг гайирлиги этига иссиқ теккан қортдай қимирлаб қолди. Нега булар ҳаммаси унга насиб қилмайди? Нега ҳуснли жувон бўла туриб, кўкрагидан отхона ҳиди гупиллаб турган аравакаш эрига сўзи ўтмайди?

Нозик шундай уйлар билан банд әкан, Нина Александровнанинг сўзлари эътиборини тортди:

— Дадавой ака, эсингизда бўлса керак, сизлар доим тоғда, чўлда, биз бечоралар жонимизни ҳовучлаб сизларни кутар әдик. Уруш, айрилиқ, очлик... Энди ўша машақ-қатларнинг роҳатини суряпмиз. Ўша муҳтоҗлик йилларида туғилган болалар вояга етди. Йўлдошни кўрсангиз ҳавасингиз келади. Йигирма икки ёшида ҳам геолог, ҳам учувчи. Гулнозни кўринг. Врач. Ўзбек қизларидан инқилобгача врач чиққанмиди!

— Эсимда, синглим.— Дадавой ака юмшоқ гапириди.— Ҳаммаси.— Гулноз боққа бежиз кирмаган әкан, каттагина саватда энди қизара бошлаган чиллаки, тарам-тарам қизил

олма келтириб дадасига узатди. Дадавой ака гулдастадай ранг-баранг мевани дастурхонга тера бошлади:

— Олинглар, омонлиқ-сомонлиқ!

Гулноз яна аллаңаәққа қочмоқчи булиб турганда Нина Александровна унинг билагидан тортди.

— Ўтири, қизим, бу ерда бегона йўқ.

— Келинг, ўргилай,— Ойниса ёнидан жой кўрсатди.

Дадавой ака:

— Ўтира қол, бутам,— дегандан кейинги Гулноз Ойнисанинг ёнига чуққайди.

— Биз ойинг Азизахон билан уртоқ әдик,— Ойниса қизга майин жилмайиб сўзлади.— У сендан тұлачароқ, сухсурдек жувон әди. Азизахоннинг суҳбати ширин, юзи тұла күлгі, у кирған гурунг яшнарди. Үмри қисқа әкан...

— Менинг ҳам ёдимда,— Нина Александровна Ойнисанинг сўзларини қувватлади,— Йигирма бешинчи йилда Роҳат-богчада паранжи ташлашда Азизахоннинг паранжичачвонини гулханга отаётib: «ордона бўл» деб қичқиргани ҳали-ҳали ёдимда. Сен, Гулноз, у вақтда уч яшар қизалоқ әдинг. Ойингни ачомлаб ўтга талпинардинг!

Дадавой ака ўша кунларни әслади шекилли, кўзлари ёшланиб:

— Рост!— деди.— Азиза әнди бир келиб кетди-да дунёга!

Унинг сөдда кўнгилдан айтилган шу оддий сўзларидан орага жимлик чўкди. Ойниса ҳам, Нина Александровна ҳам, Қумри ҳам ўша кунларни хотирлаб, ўйга чўмдилар. Нозик улардан ёш бўлгани, паранжи ёпинмагани, ёпинса ҳам сандиқдаги зангори баҳмал паранжисини катта тўйларга ҳавас учун ёпингани сабабли, суҳбат мавзунинг мағзига унча етиб бормади.

— Э афсус, минг афсус.— Дадавой аканинг маъюс сўзлари юракларни уртади.— Азиза бу кунларгача етиб кела олмади. Бир ёниб, бир ўчди у тиниқ нур!..

Дадавой ака шундай дер әкан, қулоғига Азизахоннинг фарёди әшитилгандай бўлди... Ишдан келаётган Дадавой ака жон қийногида инграётган ҳомиладор хотинининг додини кўчадаёқ әшиитди. Ўйга отилиб кириб, супада жон ҳолатида тулғаниб ётган Азизахонни чойшабга ўраб, бағрига босганича касалхонага югурди. Азиза ўша ерда уч кун қийналди. Ўзи ҳам, чақалоқ ҳам нобуд бўлди...

— Азизахон ҳаёт бўлса, тўйга ўзи бошчилик қиласарди.

Ойнисанинг бу сўзлари ўртадаги маъюсликни кўтариш

у ёқда турсин, тағин ҳам оғирлаштиради. Дадавой ака бөшини қүйин әгіб үтириб қолди. Ойнисанинг күзларига ёш тұлди. Нина Александровна билан Құмрининг күнгиллари әзилиб, ух тортишди. Буларнинг ақвони Гулнозга таъсир қылмай қолмади. У бейхтиёр Ойнисага ёпишиброқ олди. Бу умумий дард фақат Нозиккагина унча етиб бормас, бунақа совчиликни умрида биринчи марта күриб турғани учун бұлса керак, ич-ичида: «Е тавба» дер әди. «Е тавба, булар гапни менсиз ҳам аллақачон пишириб қүйиңшан шекилли. Бир оғиз сұрамасдан туриб түйдан суз очиши. Е тавба, қызы үстирган Лобархонни ҳеч ким тилига ҳам олмайды». Шу вақт әшикда Лобар күриниши билан Нозикка жон кириб, «Ана, келди», деб юборди.

Лобарнинг елкасидаги обкашнинг бир илмоғида челяк, иккінчи илмоғида бидон. Билагида — тухум сават. Эгнида — одми чит күйлак. Енглари тирсагидан юқоригоққа шимарилған. Жиякли лозими түпифидан сал баландроқ. Бүйі пакана, гавдаси тұла, айниқса елкалари йүғон. Анчагина йўл босиб келған бұлса керак, кенг оқ юзи иссиқдан бұртган, кавушига чанг тұлған.

Угай онасини бу ақвонда күриш билан Гулнознинг күзлари ерга қадалиб қолди, пешанасига реза-реза тер чиқди. Дадавой ака хижолатдан: «Ия, ия...» деди-ю, супадан сирғалиб тушиб, хотинининг истиқболига борди, обкаш билан саватни ундан олди.

Аммо Лобар үз ақвонига парво ҳам қылмади. Эрига:
— Совчилар кепти-да,— деди-ю, супага тик юриб келди.

Супадан ҳаммадан олдин тушган Нозик Лобар билан құчоқлашиб күришди. Башқа хотинлар ҳам үрнидан қүзгалғанини курған Гулноз секингина үртадан чиқиб, ошхонаға кириб кетди.

Ойниса Лобар билан елка қоқишиб күришаркан, унинг соч, бүйнидан гуркираган тер ҳидидан күнгли ағдарилди.

Лобар башқа хотинлар билан ҳам елка қоқишиб күришгандан кейин супага Нозикнинг ёнига үтироди-да, ҳаммаларига бир-бир: «Хуш келибсизлар», деди. Лекин нечукдир үртага қүнгилсизлик, үнғайсизлик чўқди. Нозикнинг сұхбатни қизитиш учун:

— Вой үртоқжон-ей, шу иссиқда бозорга борибсиз-да, вой бечора-ей,— деб бошлаган гапини бошқалар қувватламади.

— Үртоқжон, сизни икки соатдан бери кутамиз,— Но-

зик яна гәп бошлади ва супа бурчида турган тугуғлиқ дастархонга ишора қилди.— Патир ушатамиз деб...

— Патир ушатиш бұлса қочмас.— Лобар бир тұлғаниб үрнидан құзғалди.— Ыұлда бұлғанча бұлдим, сал үзимга келволяй.

— Боринг, боринг,— Нозик ҳамма учун жавоб қилди.— Нафасингізни ростлаб олинг.

Оғилхона томонда уймалашиб юрган Дадавой ака хотинининг уйга кириб кетганини журиб мәҳмонлар яқинига келиб илтифот қилди:

— Лобархон чиққунча бир бөг айланмайсизларми?

Дадавой ака мәҳмонлардағы розилик олғандан кейін ошхона томонга борди:

— Бұтам, ошиңгни қүй, опанг қарайди. Мәҳмонларга бөгингни күрсат!

Гулноз ошхонадан чиқиб, мәҳмонларни боққа бошлади.

Хөвли әтагидан бошланадиган бөг бир танобча ер бүлиб, ярми олмазор, үрикзор, шафтолизор, ярми узумзор әди. Гулноз мәҳмонларни ишкомлар ичидан олмазорға олиб үтди. Нозик бу ерда ҳам ишбошилик қилиб олма, үрик шохларими силкитиб қоқди. Дув-дув түкилған меваларни ҳамроҳларига құз-құз қилиб ейишга қистади.

— Еп қолинглар, қызнинг меваси шириң бұлади!— деб хотинларни күлдириб, Гулнозни қизартырди.

Гулноз ҳам үз навбатида мәҳмонларни мева ейишга қистар, айниқса Ойнисанинг ёнидан кетмас, унга гоҳ оқ үрик, гоҳ қизил олма, гоҳ күксултон тутарди.

Гулноз мәҳмонларни бөгдан олиб чиққанида, ювинибтараниб ясан-тусан бұлиб олган Лобар супа ёнида әрига алланимани шовқинлаб уқтиради. Буларнинг шарпасини сезған әри унга «жим!» деди шекилли, овози үчди.

Ҳамма супага чиқди. Фақат Гулноз үчоқ бошига — ошга уннашга кетди.

— Мақсадга күчайлик,— деди Нина Александровна, хонтахта оёқ томонида ёнма-ён үтирган Дадавой ака билан Лобарни күздан кечириб.— Иккі ёш бир-бирига күнгил берган экан, биз йигит томондан әлчи бўлиб келдик. Бу пок муҳаббат ва бўлағуси баҳтли оиласынг яна бир қувончли томони шуки, икки қадрдан дүст: Тоштемир ака билан Дадавой аканинг томирлари бир-бирига боғланади. Бу ни-коҳ, ундан туғиладиган фарзандлар Тоштемир акага абадий ёдгор бўлади.

— Албатта, албатта,— Дадавой ака құлларини күкрагыга босиб, Нина Александровнанинг сұзларини бажону дил тасдиқлади.— Айни мудда!

— Ҳатига қараганда, Йұлдош йұлға чиққан булса керек.— Нина Александровна сұзида давом әтди.— Гулнознинг ҳам имтиҳонлари бугун-әрта тугайди. Демак, түйга ҳеч қандай монелик йүқ.

— Вой үлмасам,— Лобар әрига ялт әтиб қаради.— Тайёргарлигимиз йүқ-ку?

— Фарзандларимиз ҳар қанча орзу-ҳавасга арзисалар ҳам,— Ойниса Лобарга әътиroz билдири, — ортиқча дабдабага ҳожат йүқ, синглим. Ұзимизга яраша түйча қила-миз. Мен Йұлдошнинг маошини йиғиб, түйни таҳт қилиб қўйибман.

— Ҳар қалай...— Лобарга жон киргандай бұлди-ю, тағын гапни айлантириди:— Гулнознинг уй жиҳози важдан...

— Ҳаммаси тайёр!— Ойниса бұлғуси қудасининг мужмал сұзини чұрт кесди.— Сизни қылча уринтирумаймиз.

— Ҳар қалай... онаси бұлғанимдан кейин...

— Ҳа-да!— Нозик үртага кирди:— Түй айтишга осон, аслида бир қоп ташвиш!

Лобар билан Нозикнинг гапни чувалаштирумоячы бұлғанини пайқаган Қумри:

— Лобархон, ҳимматингизга боғлиқ,— деб икки томонни муросага келтирумоячы бұлди.— Истасангиз бир нима қилинг, истамасангиз қилманг. Баҳоли құдрат. Ойниса опанинг даъволари йүқ.

— Шундоқ!— Ойниса Нина Александровнага маъноли күз ташлади.

— Қумриой, патирни олинг!— Нина Александровна Қумри узатган түгүнни олиб, йилтиллаб турған ёғлиқ оқ патирларни дастурхонга тера бошлади ва Дадавой акага жилмайиб боқди:— Қани, дадаси, ушатинг!

Дадавой ака калит изи бир текис нақш солған патирлардан бирини құлиға олди, күзларига суртди ва ярмини ушатиб, үтирганларга бир бурдадан улашды, қолған ярмини әса Ойнисанинг олдига қўйди.

— Құдача, бу — биздан Йұлдошвойга!

Ҳамма фотиҳага құл очди.

— Омин!— деди Дадавой ака, күзи ёшга тұлиб.— Фарзандларимиз мурод-мақсудига етишсин, құша қаришсин, ували-жували бўлишсин, биз ҳам уларнинг сояйн давлатида яйраб юрайлик!

Фотиҳадан кейин чеҳралари очилиб, суҳбат қизиб кетди. Энди гап тўйнинг тартиби, тўйга кимларни айтиш, Алижон акани албатта унутмаслик ва шу кунларда Москва яқинида хизмат қилиб турган Андрей Николаевичга телеграмма юбориш ва ҳоказо нақд масалаларга кучди.

Гулноз чинни лаганга сузиб келган қизил палов иштакча билан ейилиб бўлгач, Дадавой aka ёшлар ҳақига тағин бир марта дуо қилиб, меҳмонларга жавоб берди.

Туртнчи боб

БОБО БОҒИДА

Қўлдош отани сув париси чалиб кетган эмиш.

Бундан ўттиз йил бурун у Кайковус* аригининг мираби бўлиб ишлаган. У вақтда эллик ёшларга кирган, сувчиликда донги чиққан, деҳқонларнинг чайласида ҳурмат билан кутиб олинадиган бир киши эди.

Ана уша йили, яъни Қўлдош ота Кайковус аригининг Гишткўприкдаги айирма тўғонида мироблик қилган йили, кўклам кунларининг бирида, юқорироқдаги мираблар хабарчи юбориб, тошқин хавфи борлигидан огоҳлантирилар. Қўлдош ота, тўғрироғи, курашларда елкаси ерга тегмаган Қўлдош полвон Кайковус билан Қичқириқ ўртасидаги ерларда боғдорлик, деҳқончилик қилувчи кишиларни ҳашарга айтди, ариқ буйларига шох билан тупроқ босиб мустаҳкамлашди ва ҳар эҳтимолга қарши тошқин бўлган тақдирда ортиқча сувни ағдариш учун Кайковусдан Тахтапул жарига ариқ очишиди.

Оқшом ҳамма тарқалса ҳам, Қўлдош полвон тўғон босида қолди. Тўғонни, дамбаларни, ариқларни тағин бир марта кўздан кечирди. Кейин қирғоқдаги катта ковак тол тагига тўнини ёзиб тирсагига ёнбошлади.

Шарқнинг қоронғи уфқидан кўтарилган ой жануб билан аста айланиб ғарбга жила бошлади. Унинг олис нури қоронғи тунни хира ёритар, тол тагида сирли шарпалар жимиirlар эди. Тўғондан пастга оқаётган сув тул қолган

* Қадимги Кайковус (халқ тилида Калковуз) канали Бўзсувдан бошланади. Тахтапуда ундан Қичқириқ анҳори ажралиб чиқади. Кайковус Қумлоқ, Қўкча орқали ўтади, Тошкент атрофидаги далалярни сугориб, кейин Дамариқقا қўшилади.

урточи арслондай тинмай ўкиради. Жарлик ёқасида, тепаликда қулочга келмайдиган ёнғоқлар бор. Ўша ердаги қари сиғоқлардан бирини макон этган бойүғли ўқтиш-ўқтин воювоюлаб зулмат ваҳимасига ваҳима қўшади. У айниқса бугунгидай ташвишди кечаларда чузиб-чузиб воюлади.

Мироб сув бошида бугун биринчи марта тунастгани ўйқ. У бундай тунлар ва бундай тунашларга одатланган. Сув танқис ёз фаслида купинча тонгга қадар бедор юриб сув тақсимлайди, суғоришда навбат талашган деҳқонларнинг жанжалини босади, югуриб-елиб тинмайди.

Лекин бундай уйқусиз кечалар ташвиши тошқин хавфи олдидা ҳеч гап.

Тошқин ёмон бало. «Ўт балоси, сув балоси» деган гап бежиз эмас. Буларнинг олди олинмаса, кейин ҳеч қандай чора кор қилмайди, улар ерни, элни аждаҳодай ютади.

Бундай ваҳимали кечалар одамнинг хаёлини ағдар-тунтар қилиб юборади. Нималар келмайди мироб ўйига!

Қўлдош отанинг хотини Рисолат отин билан ўн беш яшар ўғли Тоштемир боғда ёлғиз, Рисолат отин у вақтда қирқ бешга кирган бўлиб, шаҳарнинг шу мавзуидаги қизларни йиғиб ўқитарди. Улар миробнинг тӯғон бошида узоқ қолиб кетганидан ташвишланишаётган бўлса керак.

Қўлдош ота тирсагига ёнбошлиғанча алламаҳалгача ўй суриб ётди-да, кейин мудраб кетди. Қанча мудраганини билмайди-ю, аммо кўзини очганда эти салқиндан увушиб, қулоқлари шанғиллаётганини сезди. Тулин ой тикка келибди. Сув сатҳи эритилган олтиндай ярақлайди. Бироқ чор атрофда ғайри табиий сукут. На сув шовқини, на бойүғлининг вою-воюси эшитилади. Қўлдош отанинг ҳайрати ошибб, ўрнидан турди, тӯғонга яқин борди, борди-ю, кўзи тиниб, қулоқлари қаттиқроқ шанғиллади.

«Ёпирай, менга нима бўлди? — деди у, қулоқларини қафтларида әзғилаб қизитаркан. — Нега сув тиниб қолди? Ё, қулогум том битдими?»

Қўлдош ота овози борича «ҳо-ҳо-ҳо-ҳо!» деб қичқирди. Лекин ўз овозини ўзи эшитмади. Ана шунда у фожиа юз берганини — кар бўлиб қолганини сезди.

Шу яқиндаги боғбонлар унинг қичқириғини эшитиб, тошқин келяпти, деб ўйлашди шекилли, уйларидан сарпойчанг чопиб чиқишиди. Лекин сув кўпаймаганини кўриб ёқа ушлашди, миробдан нима гаплигини сурасди. Қўлдош ота қулоги битиб қолганини уларга айтмади-ю, тоби қочиб, безгак тутганини баҳона қилиб, тӯғон бошида туришни

уларга тайинлади ва ҳаммани Ҷонг қолдириб, уйига жұнаб кетди.

Құлдош ота умр үйілдеші Рисолат отиндан ҳеч бир сирни яширмагандай, бу сирни ҳам яширмади. Рисолат отин күкариб кетген әрини құриб, қаттық шамоллаганини сезди-да, дархол құрпага үради, қайноқ новвот чой тайёрлаб босиб-босиб ичирди. Құлдош отанинг бадан илиб, ғарқ терлади. Аммо Рисолат отин бу билан кифояланмай, боғдан бир әтак күкат — кашнич, жамбил, райхон, ялпиз, отқулоқ юлиб чиқиб, күк шұрвага уннади.

Орадан бир ҳаfta үтгач Құлдош ота енгил тортиб үзина келди, бироқ чеҳраси очилди-ю, қулоғи очилмади, аввалгидай том бітмаган бұлса ҳам, овозни, шовқинни яхши англаёлмайдыган булыб қолди. Эңг қызиги шундаки, қаттиқ гапни мутлақо әшитмайды-ю, мулойим сұзни унча-мұнча пайқагандай бұлади.

Ана ушанда одамлар орасида «миробни сув париси чалибdi» деган овоза тарқалди...

Орадан үттіз үйл үтди.

Бугун әрталаб арава миниб келган Абдуллажон Құлдош бобонинг қулоғига алланималар деб бақырди. Бобо аравакаш боланинг ҳөвлиқиб қичқиришидан ҳеч нарса англаамади.

— Қулоғим карнаймас, секинроқ пүфла, бұталоқ! — деди Құлдош бобо.

Чолнинг күчада аллаким билан гаплашаётганини пайқаган Мәхрибон буви әшикдан чиқиб келди. У қулоқларига ип билан боғланған күзойнакларидан болага тикилиб қаради ва таниди шекилли.

— Күмренисанинг үғлимисан? — деб сүради. Боладан «ха» жавобини олғандан кейин унга шубҳаланиб тикилди: — Тинчликми? Сени ким юборди?

— Ойниса холам.— Абдуллажон мулойим кампирнинг ипакдай майин товуши таъсирида әнди секинроқ гапириди. — Улар Дадавой аканикида қөлишди. Мени: «Опоқ бувингниги бориб бизни кутиб тур», деб юборишиди.

— Ажаб қипсан, — Мәхрибон буви Абдуллажоннинг елкасига қоқди. — Балли! — кейин у чолига қараб юмшоққына жилмайды. — Ойнисанғыз юбориби. Үзи Дадавойницида қолибди. Кечаги маслаҳат: оёғи түртта, қули олтита булыб совчиликка келган.

Абдуллажон үзининг шовқинлаб гапирган гапини әшитмаган чолнинг қулоғи кампирнинг секингина айтган

сүзларини әшитганидан ҳайрон булиб, Құлдош бобога ағайтганича тикилиб қолди. Бобо буни сезса ҳам, билдирмасликка ҳаракат қылды шекилли, болага:

— Отингни чиқар, — деди-да, кампирини бошлаб құрасыга кириб кетди.

Абдуллажон отини катта ёнғоқ соясида аравадан чиқарди, устидан әгарини олди ва ариқ бүйидаги каллакланған пастак тутга боғлади.

У құрага кирганда ҳовли кимсасиз, жимжит, на чол, на кампирнинг қораси күринар, айвон ёнбошидан бокқа кириладиган әшик ланг очиқ турар әди.

Бола ҳовлини күздан кечирди. Ариқ бүйидаги балх тутқулочға сиғмайды, унинг шохлари қутичадақкина ҳовлида кунга қаратиб солинган бир уй, бир айвон устига кенг ёйилған, шу сабабдан куннинг тангадай ёруғи тушмайды. Тут тағидаги пастгина чорбурчак супага иккита гулдор қозоқи намат солинган, үртасига узунгина хонтахта қүйилиб, атрофига янги қавилған құрпақалар ёзилған. Ариқ бүйидаги ошрайғон, садарайғонлар чақалоқ бүйича үсган, ёқимтой ҳиди гуркирайди. Улар орасида чинни гулларнинг пушти ранг, оч қызыл, түқ қызыл, түқ новвот ранг мунчоқлари күзини қамаштиради. Отқулоқсимон қутуриб үсган түқ яшил үсма барглари худди гулсапсар япроқларидай тиккайған. «Қизиқ, үсмани ким құяды, опоқ бувими?»

Абдуллажон мийигіда күлди-да, очиқ әшикдан бокқа кирди. Кирди-ю, димөғига гуп этиб урилған шинни ҳидидан күнгли суст кетиб сұлаги оқди. Гувалак қалаб ясалған үчоққа беш пуд гуруч дамланадиган «маҳалла қозон» үрнатылған булиб, унинг тепасига әгилған Мәхрибон буви катта ёғоч чүмичда күпик олар әди.

Абдуллажон кампирнинг ёнига келиб тут шиннининг қайнашини томоша қылди. Ұчоқда олов паст булишига қарамай, олтиндай сағайған тут шинни қозоннинг у ёғидан бу ёғига вишиллаб күпиріб тұлқин отар, кампир тұлқин ёлидаги жигар ранг күпикларни чүмичда юзалаб сидириб оларди.

Боланинг күзи үйнаётганини күрган Мәхрибон буви чүмичдеги күпикдан сопол товоққа солиб узатди:

— Ол, яла!

Абдуллажон күрсаткыч бармоғини күпикка ботиарми, жиз этиб күйди.

— Эңтиёт бұл. Қорнинг оч бўлса, уйга кир, айвоннинг токчасида нон бор.

— Йў-ўқ... — Абдуллажон кўзидан чиққан ёшни яктагининг енгига артиб, қайноқ шиннини ялай бошлади. Уҳамма болалар каби балх тутга ўч, ярим челагини ҳапиллатиб еворар, лекин тут шиннисини татиб кўрмаган эди. Улгудай хуштаъм әкану, бироқ кўпини еб бўлмас әкан. Учтўрт ялагандаёқ меъдаси тўйди. Ширасининг зўрлигидан тили ачишиди.

— Қалай, мазаси тузукми? — Меҳрибон буви Абдуллажонни гапга солди.

— Тузук бўлганда қандоқ! — Абдуллажон бармоғини сўриб жавоб берди. — Шакарни кўпроқ қўшибсиз чоғимда!

— Шакар қўшганим йўқ, — бувининг қайноқ шинни ҳовуридан қизарган ажинли юзи кулди. — Тут жониворнинг шираси ичидан қайнаб чиқади.

— Шунча шиннини нима қиласиз, буви? — Абдуллажон усмоқчилаб сўради.

— Сендақа тентакларга ялатаман!

— Оббо буви-ей! — Абдуллажон қийқириб кулди. — Гапга устасиз деб әшитувдим-а!

— Ойинг хат-саводини менда чиқазганини айтмаганми?

— Айтганлар. — Абдуллажон Меҳрибон бувининг одми сатин пешанабог тангиган кумушдай оқ сочли бошига, офтобда йилтиллаётган кўзойнагига завқ билан тикилди.

Меҳрибон буви шаҳар четида, Қичқириқ бўйидаги шудаласида турса ҳам, унинг таърифи Бешёфоч даҳасидаги, айниқса Аррапояндаги аёллар тилидан тушмайди. Буви бундан йигирма-үттиз йил муқаддам уларни ўз уйида очган мактабида ўқитган. Ойниса ҳам келинчак чоғида қайнанаси Рисолат отиннинг севимли шогирди ва мактаб тутишда ёрдамчиси бўлган. Инқилобдан кейин янги мактаблар очилганда Рисолат отин элликларга кириб қолганига қарамай, қизлар мактабида муаллималик қилган ва бундан бир неча йил илгаригина кексалиги туфайли дарс бернишдан қолган.

Рисолат отиннинг Меҳрибон буви деб аталиш тарихи ҳам ажойиб. Ойнисанинг катта ўғли Йўлдош эсини танибдики, бувидан ажралмайди. Ойниса уни эри ҳалок бўлганидан сал аввалроқ, Эргашни туғиш олдидан кўкракдан айирган. Ҳали икки ёшга ҳам тўлмаган Йўлдош онасининг қалампир суртиб тутилган кўкрагини «ола-бўжи» деб, опоқ бувисига ёпишиб олган. Буви уни, сигирнинг сутини ичириб, атала, шинни ялатиб, ҳолвайтар едириб катта қил

гаи. Бола беш ёшга кирганида қаттиқ гапирмайдиган, доим кулиб турадиган бу ҳалимдай кампирни «Меҳрибон буви» деб атаган. Үшандан бошлаб Рисолат отиннинг оти Меҳрибон буви бўлиб кетди. Катта хотинлар уни ҳамон отин буви деб атасалар ҳам, ёшлар, болалар ҳаммаси Меҳрибон буви дейишади.

От ёнидаги той каби, болалигидан аравакаш дадасининг ёнида юрган Абдуллајон Меҳрибон бувининг таърифини кўп эшишиб, уни кўришни орзу қиласди. Ана энди унга тикилиб тўймаяпти.

Меҳрибон буви Қўлдош бободан беш ёшгина кичик бўлса ҳам, бир қараган кишига анча ёш кўринади. Уни ҳеч ким етмиш бешда деб ўйламайди. Озғингина, ўрта бўйгина, майиздаккина кампир. Қадам олиши енгил, ҳаракатлари чаққон, уй ишларини келинчакларга хос эпчилик билан бажаради. Шу ёшга бориб қолганига қарамай, бирор марта узоқроқ касал бўлиб чўзилиб ётмаган. Аксинча, кейинги йилларда тез-тез бетоб бўлиб турадиган эрини бир луқмончалик даволайди. Катта ёғоч сандигида одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарса муҳайё: туйилган кашничдан жилон жийдагача, асалдан шиннигача, долчиндан саногача, тутйёдан оқ ёққа қовурилган саримсоқ пиёзгача, буларнинг ҳар бири нимага даво эканини, меъёрини яхши билади.

— Намунча тикиласан? — Меҳрибон буви Абдуллајонга синашта қаради.

— Қўрқманг, кўзим тегмайди, — Абдуллајон қизариб пўнғиллади.

Абдуллајоннинг иззат-нафси хитой қофоздан ҳам юпқа эканини сезган буви гапни буриб суради:

— Қани менга айт-чи, Ойниса холанг Дадавой амакингникига кимлар билан келди?

— Ойим, Нозик келин ойи, иннайкейин... Ойниса холам билан бирга ишлайдиган ўрис опа борлару?

— Нинахонми?

— Ҳа, Нина холам.

— Ойниса холанг у-бу опкелдими?

— Патир ёпиб келдилар.

— Ҳа, тузук.

Қўлдош бобо гулқайчисини ўнг кафтига қисганича узун ишкомдан чиқиб келди. Унинг кукрагига кенг ёйилган сийрак кул ранг соқоли кун нурида йилтирас, бошидаги қати текисланиб кетган марғилон нусха әски дўпписини,

симобий бўз яктагининг елкаларини, ўсиқ қошларини чанг қоплаган эди.

— Кечаги маслаҳатимиз бўйича Ойнисангиз Дадавой-никига патир ёпиб келибди, невара келиннинг суюнчисини беринг.— Меҳрибон буви эрига кузойнаги устидан жилмайиб боқди.

— Ҳа-ҳа!— Бобонинг кекса қўзлари муғомбира на кулди.— Оббо Йўлдошвой-ей! Бизни суюнчидан қочиролмайсиз, отин! Тўй бўла берсин-чи!

Қўлдош бобо қўлларини белига обкаш қилиб, хотинига тикилди ва яна:

— Оббо Йўлдошвой-ей!— деб ҳиҳилаб кулди.

Кексалар шунаقا бўлишади. Ёшлар уларни ҳеч нарса билмайди деб ўйлаб, лақмага, нодонга йўйишади. Узун умр, босиб ўтилган довонлар, ҳаёт суқмоқлари, машаққатлар силсиласи кексалар ақлинни чийриб пишифтганини, ана шу мураккаб мактаб уларни донишманд қилиб қўйганини ёшлар ҳисобга олишмайди. Сўзамоллик, маҳмаданалик фазилат эмас, камсўзлик, камтарлик — фазилат. Қария бир гапни айтса, тагидан қўш маъно қидира беринг.

Қўлдош бобо: «Оббо Йўлдошвой-ей, онасини қўймапти-да!» деганда Абдуллажон оддий бир нарсани, яъни Йўлдош онасини совчиликка юборганини тушунди. Аммо чолининг бу гапидан Меҳрибон бувининг кўз олдидаги бутун бир достон жонланди. Кунлардан бир кун Қўлдош бобо невараси Йўлдошни Қичқириқ буйидаги нотаниш бир қиз билан ушлайди. Бобосиникига анчадан бери келмаган, ундан ҳол-аҳвол сўрамаган невара худди шу ерда, бобо бофининг бикинида бегона қизалоққа чупчак айтиб ўтиради. У бобосини кўрмадими ёки уялдими, ҳар қалай, ерга тикилганча жар тубидаги сувга тош отиб ўтираверди. Бобо унинг ёнига борди ва ҳассасининг учини харсангга уриб дўқиллатди. «Э, бобомлар-ку!» деб ўрнидан дикиллаб туриб салом бермас экан-а Йўлдошвойингиз! Чиллаки чиллакини куриб чумак уради, дегандай, қизалоқ ҳам дик этиб туриб таъзим қилди. «Э, ўзимизнинг Гулжаҳон-ку!— деб юборди бобо (У Дадавой тоштрамчининг қизи Гулнозни нечундир Гулжаҳон дерди).— А-ҳа, қўлга туширдимми?»

Бобо уларни қўярда-қўймай қўрасига судради. «Қани, буларнинг дафтарини бир титиб кўр-чи!» деб, хотинига рўпара қилди-да, ўзи бофига кириб кетди.

Бобонинг бу қилифи ёшларга эриш туюлса ҳам, Мәхрибон бувига эриш әмас. У чолининг феълини яхши билади. Бу гал ҳам бобонинг сўзларини: «Мен буларни уялтириб қўйдим, ўзинг текисла!» деган маънода англади.

Мәхрибон буви Йўлдошга: «Сен ўзимизникисан, шошмай тур», дегандай қараб қўйди-да, Гулнозни бағрига бошиб эркалади: «Вой, сен шунақа бўлсанг! Вой, бўйгинангдан бувинг ўргилсан!» деб сўйди. Йўлдош билан икковини супага чиқариб ўтқазди. Дастурхонга жиззали, пиёзли оширма нон, ёнгоқ, туршак, нон жийда, анжир қоқи, тағин аллақанча меваларни уюб ташлади. Кейин хумдаги тиндирилган сувдан қумғонни тўлдириб чойга уннамоқчи булгандა Гулнознинг сабри чидамай, қумғонни бувининг қулидан олиб, кампирни супага суяб чиқарди-да, ўзи ўчоқ босига кетди.

Мәхрибон буви «уларнинг дафтари»ни чой устида ҳам «титкиламади», ўзи шундоқ ҳам тиниқ кўриниб турган достоннинг нимасини титкилайди!

Ёзниг ҳарорати, хижолатнинг зўри, чойнинг иссиғи қўшилиб лолақизғалдоқдан фарқи қолмаган Гулноз бувига ео остидан қараб, илтимос қилиб қолди:

— Бувижон, ғазалларингиздан ўқиб беринг!

Мәхрибон буви бўлажак невара келинидан бошқа ҳар нарсани кутса ҳам, бундай илтимос қилишини кутмаган эди. У кўпдан бери мактабдорлик қилмагани учунми ёки ёшларни эски илмлардан хабарсиз, «янгича» бўлиб кетишиган деб ўйлагани сабабданми, ҳар ҳолда, Гулнознинг сўровидан таажжубланиб, унга бир нафас тикилиб қолди. Қизнинг қуюқ киприклари остидаги жоду кўзлари ерга қараган, узун оқ бармоқлари дастурхон попугини ўйнарди.

— Жон бувижон... — Гулноз илтимосини такрорлади.

Мәхрибон буви қизнинг завқидан таъсирланди-да:

— Хўп, сазанг ўлмасин, — деб ўрнидан турди. Айвонга чиқиб токчадаги тизиб қўйилган қатор китоблардан бирини олиб келди. Қалин қизғиши мұқовали қўлёзма девонни бир неча дақиқа варақлаб турди ва саҳифалардан бирида тўхтаб:

— Марғилонлик Увайсий хоним мухаммаси, — деди ва оҳанг билан ўқий бошлади:

Бир пари чеҳра хаёлнга гирифтор ўлмишам,
Кўрмайин ойдек юзин бир ошиқи зор ўлмишам,
Ер ҳажрида туну кун зори афкор ўлмишам,

Орзу дийдорига мажруху бемор үлмишам,
Етмайин васлига, эй дүстлар, талабгор үлмишам.

Олдида жон бермасам, құнглимда армон күндаланг.
Хасратида оқ ила Фарёд у афғон күндаланг,
Дард махфилиғда етти оғайма жон күндаланг,
Ошкор әтма, Увайсий, айла пинқон күндаланг,
Ишқ савдосида ул Юсуфий бозор үлмишам.

Меҳрибон буви мухаммасини шундай бир майин қироат
ва илиқ оқанғ билан үқидики, тингловчилар хәелида гүзәл
ишқ ва чин вафо тарихи жонланди. Шеър Гулноз қалбидә
үйғонган мұхаббатни түгёнга келтирди. Йүлдошга эса,
қайноқ мисраларни Увайсий әмас, балки үз севгилиси түқи-
гандай туюлди ва шу ифтихор уни маст қилди.

— Раҳмат, бувижон,— деди Гулноз таъсиrlаниб ва
қүшиб қўйди:— Чиройли үқир әкансиз!

Меҳрибон буви қизга нима ҳам деб жавоб беришга оғиз
жуфтлаган әди, Йүлдошнинг кутилмаганда:

— Опоқ буви, катта бувамга севиб текканмисиз?—деб
берган саволи кампирни гангратиб қўйди.

Гулноз Йүлдошга: «Шунақа ҳам қўпол савол берасиз-
ми?» дегандай таънали боқди. Йигитнинг пешанасига со-
вуқ тер чиқди. Аммо Меҳрибон бувининг:

— Қўй, эскини әслатма! — дегани ўртадаги хижолатни
сал кутаргандай бўлди.

Ўзини бир оз ўнглаб олган Йүлдош Гулнозга тушун-
тириди:

— Бувим билан бувамнинг ҳаётини роман қилса бў-
лади.

Этагига оқ олма солиб боғдан чиқиб келган Қўлдош
бобо кампирнинг тиззасидаги девонни кўриб гап отди:

— Ҳой отин, мен сенга буларнинг дафтари тит, де-
сам булар сенинг дафтaringни титибди-ку!

Меҳрибон буви қўлидаги баёзни аста ёпаркан, чолига
жавоб қилди:

— Бу дафтар, у дафтар — бир дафтар, буваси.

Гулноз Меҳрибон бувининг ҳозиржавоблигига қойил
ҳолиб кўнглидан «Кошки, мен ҳам шундай бўлсан!» деган
орзу ўтди.

— Қўлдош бобо хотинига тан берив, супа четига ўтира-
ди-да:

— Невара келиннинг суюнчиси тайёр! — деди хотинига.— Шу боғ Йўлдошвойга!

— Баракалла! — Буви чолининг тантилигига тан берди.

Қўлдош бобо Абдуллажонни имлаб чақирди:

— Хомтокни биласанми?

— Унча-мунча...

— Ма! — Бобо болага гулқайчисини берди.— Юр, буталоқ. Қари келса — ошга, ёш келса — ишга.

Абдуллажон чолнинг кетидан ишкомга кирди.

Бўйи эллик метрча келадиган бу ишком — боғ этагидаги қатор олтига ишкомнинг биринчиси бўлиб, тол пояларидан усталик билан бир текис әгилган әди. Абдуллажон қўлини чўзиб кўрди, етмади. Демак, ишком ичидан аравада bemalol утса бўлади.

— Гўра хомток кечикиб кетди,— деди бобо, болага тушунириб.— Аввалги куч-қувватим йўқ. Нариги ишкомларни амалладиму, шунга қолганда...

Абдуллажон ишком ичини бошдан-оёқ куздан кечириди. Нариги бошдан бошланган хомток ишкомнинг қоқ беллига етгани сийраклашиб очилган занглардан, ерга узунасига уюлган шох барглардан кўриниб турибди. Хомтокдан чиқсан ғўралар ҳам шода-шода осилиб, ҳасайнини ҳусайнидан, қирмискани бувакидан ажратса буладиган даражага етган. Аммо ишкомнинг ҳали хомток қилинмаган бериги қисмida қалинлаб кетган шохлар, қариган сертомир бартлар тагида ғўралар қисилиб ётади.

Бобо Абдуллажонни ишга ундади:

— Бошла, буталоқ!

Лекин Абдуллажон дарҳол бошламади. Бобонинг хомтокини шошмасдан, синчиклаб кўздан кечириди. Ерга қирқиб ташланган шохлар орасида бир-иккита ғўрани кўриб ҳатто ачинди ҳам:

— Э, аттанг, узум кетибди!

— Аввал менинг ёшимга кир, кейин гапири! — Бобо қузи хира тортиб бораётганини айтмаса ҳам, шунга яқин гап қилди:— Ранг танимай қоляпман, буталоқ.

Бобо Абдуллажоннинг ишини бир нафас кузатди. Боланинг кўзи ўткир — мевасиз әркак шохларни тез пайқар, қўли әпчил — шириллатиб қирқиб борарди.

— Дуруст, — деди бобо мамнун. — Шогирдликка ярайсан.

Ҳовли томондан хотинларнинг чуфур-чуғури, сўрашиб-саломлашгани эштилди.

— Келишди чоги. — Бобо болага уқтириди: — Бүшашма, ҳа! — Үзи ишкомдан чиқиб, эрталаб шамолда тұқилған олмалардан чопонининг этагини тұлдирди, мәҳмонар тоғонга кетди.

Улар Мәҳрибон бувини үраб олишган, навбатма-навбат құчоқлашиб күришишар, табаррук бувини бағирларидан қүйиб юборишмас әди. Буви бұлса, үз навбатида, уларни галма-гал құтлар әди:

— Бүйгинаңга онагинаң тасаддуқ, Ойнисахон, келин муборак бұлсин! Онагинаң үргилсин сендан, Нинахон, қадамингта ҳасанот! Ҳой, Қумринисомисан, үзимнинг отинча қизимдан үргилай! Туп-туп, ёмон күздан арасин, Но-зикхон, бирам тұлишибсанки!

Хотинлар үз навбатида буви билан: «Әсөн-омонмисиз, отин ойи? Үзингизга құтлуғ бұлсин, невара келин! Вой, Мәҳрибон бувигинамдан үргилай!» деб күришар, севинишар, кулишар, ширин мулозамат қилишар әди.

Мәҳрибон буви мәҳмонарни супага таклиф қылди. Ҳамма үтиргандан кейин Құлдош бобо келинидан сүради:

— Қалай, ишинг битдими?

— Битди, отажон, — Ойниса қайнатасининг нақд гапиға кулиб жавоб берди. — Патир ушатдик.

— Хайрият.— Бобо фотиҳага құл очди.— Өмин, Йұлдошвойнинг бахти ҳамиша йұлдоши бұлсин!

Бобо сават күтариб богига кириб кетиши билан хотинлар бұлғуси келиннинг мадхини бошлаши.

— Ой деса ой, кун деса кун, — деди Қумри оғзининг таноби қочиб.— Ҳудди сутга чайиб олғандай... Бунинг устига үй тутишларини айтмайсизми?

— Врач үзіміздан чиқиб қолди, бувижон. — Нина Александровна сұзларни чертиб-чертиб гапирди. — Келингиз хиәматингизда бұлади.

Ойниса Гулнозни күриб ҳар қанча қувонган бұлса ҳам:

— Ишқилиб, әс-хушли бұлсин,— деб қүйди.

Құлдош бобо саватта оқ үрик билан оқ олма уюб келтирди-да, мәҳмонар олдига қүйди:

— Қани опочлар, олинглар!

Қумри Мәҳрибон бувидан сүради:

— Дадавой аканинг қизига күзингиз тушгандир?

— Тушгана қандоғ!— Кампир учун чол жавоб берди. — Мәҳрибон бувингиз билан иккаламиз Гулжақоннинг

қулогини Йүлдошвойга худди шу супанинг нақ үзида тишлатганмиз!

Бобонинг бу лўнда гапига хотинлар хандон уриб кулиб юборишид...

Бешинчи боб

УРУШ

Бугун якшанба. Тағин бир ҳафтадан кейин, келгуси якшанба куни Йүлдошнинг тўйи. Ойнисанинг дилида шу орзу, хаёлида шу ўй. Тўй айтишга осон. Уни ҳар қанча кичик, ихчам қиласман деманг, тўй куни яқинлашган сари камчиликларингиз ўзини яққолроқ кўрсатиб, сизни шошилтириб қўяди. Айниқса, әрқаксиз ёлғиз қўл уйда тўй тараддури гарант қиласми. Ҳали уни олиш, ҳали буни тикиш, ҳали у ёққа чопиш, ҳали бу ёққа елиш тинкангизни қуритади.

Шунига қарамай, Ойниса шод. Тўй кўриш, ўғил уйлантириш шодлиги унга қувват, қанот бағишлийди. Йүлдошни Гулнозга унаштириб келгандан бери тиними йўқ. Ҳар оқшом ишдан толиб қайтишига қарамай, чироқни ёқади-ю, ўғли билан келинига кийим тикишга, кўрпа-кўрпача қавишига киришади, яна саҳар туриб тушакка жун савайди, ёстиқ жилдларига гул тикади. Бу ишда у ёлғиз эмас, албатта. Эри узоқ бир ерда ҳарбий хизматда бўлган Нина Александровна тез-тез келиб кўмаклашади, кўпинча ётиб ҳам қолади. Қумри бўлса, доим шу ерда: турвақоқди — чақалогини ухлатиб қўйиб, чокка ўтиради.

Кеча ҳам шундай бўлди. Дадавой аканинг уйига бориб, Гулнозни кўйлакларини бичиб келган Нина Александровна эски «Зингер» машинани вариллатиб тикишга тушди. Қумри кўрпа қавиди, Ойниса ўғлига атаб олган кийимларини дазмоллади.

Бундай кечаларда, одатда, тўй, қуда ва келинларнинг фазилатлари ҳақида гаплашишади. Бугун əса, Қумри Нина Александровнадан эрини, унинг доим узоқларда юриш сабабларини сураб қолди. Бу савол Поповани ажаблантири мади. У әри Андрей Николаевич ўшлигидан ҳарбий хизматда әканлигини, кўп урушларни кўрганини, айниқса кейинги урушларда яралангани, юз-бўйинлари ямоқ, сочи оқарганини ҳикоя қилиб берди.

Урушлар... Улар нега, кимга керак? Наҳотки, урушсиз яшаб бўлмаса? Нега қон тўкилади?

Бу саволлар ҳамма оналар каби Қумрини ҳам қийнар, у кўп уйларди-ю, жавоб тополмасди.

Нина Александровна эри Андрейнинг ёшлигига ёёқ Ўрта Осиё тоглари, саҳроларида Тоштемир, Алижон, Да-давой акалар билан биргаликда босмачиларга қарши курашганини, 1936 йилда Испаниядаги урушга кўнгилли бориб, интернационал бригадада фашизмга қарши жанг қилганини, ундан кейин Халхин-Голда самурайларга қарши урушганини ва ишоят, яқиндагина Финляндия урушига қатишганини батафсил сўзларкан, Қумри урушларнинг даҳшатли сабабларини бир қадар англағандек бўлди.

— Эрим ҳар хатида тезда келишини хабар қилади,— деди Нина Александровна, бир нафас чокдан кўзини узиб.— Кечаги хатида йўлга чиқаётганини ёзибди. Андрей хат ёэса, мен газета варақлайман, радиога қулоқ соламан.

— Тағин уруш бўладими?— Қумри чақалогини бағрига босганча ташвишланиб сўради.

— Ким билади дейсиз?— Нина Александровна хомуш гапирди.— Ҳабарларга кўра, Гитлер Фарбий чегарамизга үйшин тўплаётганга ухшайди. Германия билан битимимиз бўлса ҳам, фашизм фашизмлигича қолади. Бўри қачон қўй бўлибди? Чаён чақишини қўядими! Европани топтаган Гитлерни муқаддас еримизга қўз олайтирмайди, деб буладими? Шуларни ўйласам, кўнглимга хавф тўлади, уйқум қочади...

Попованинг сўzlари Ойнисани ҳам ташвишга солиб қўйди.

— Рост айтасиз, дунё нотинч,— деди у ўғлининг шимига даэмол босар экан.— Ишқилиб, эримнинг бошига тушган кулфат болаларимнинг бошига тушмасин!

— Э, худойим, қачон әл-юрт бемалол тирикчилигини қила олади!— Қумри ўйғонган чақалогини тиззасида тебратаркан, Поповага тасалли берди:— Андрей aka келадилар, опа, севиниб қоласиз.

— Айтганингиз келсин!— Нина Александровна жилмайиб, «Зингер»ни шариллатиб юргиза кетди.

Қумрини ярим кечада ширақайф эри Салим аравакаш чақириб кетди. Нина Александровна, гўё эри келиб кутиб қолгандай, саҳарлаб уйига чопди.

Ойниса ўғилларига хат ёзди. Йўлдошга тўй кунини иатъум қилиб, тезда етиб келишини сўради. Эргашга ҳам

шу мазмунда хат ёэди. «Дарҳол отпуска ол, акангнинг түйида хизмат қил», деб таъкидлади.

Эрталаб Ойниса айвондаги супада хўппасемиз тўшакни папиллатиб уриб тахлаётганда почтальон жувон — Олияхон қора ҷарм сумкасини елкасига осганча липиллаб кириб келди.

— Ассалому алайкум! — Новчагина озғин жувон елкасини Ойнисага тутаркан, газета узатди. — Бугунги «Қизил Узбекистон». — Кейин тўшакни кўздан кечириб қўшиб қўйди. — Табриклайман, келинингиз қутлуғ бўлсин!

— Қуллуқ, Олияхон. Қалай, ўзингиз ҷарчамасдан елиб-югуриб юрибсизми?

— Раҳмат, опоқи, — Олияхон таъкидлади: — Тўйга айтишни унумтманг-а! Қизитиб бераман!

— Албатта айтаман. Мана бу хатларни ола кетинг!

Олияхон ҳовлидан ғифиллаб чиқиб кетди.

Бу қувноқ қиз Тошкентда туғилган татарлардан бўлиб, ўзбек тилини мукаммал билар, сўзларни таманно билан ноғизик талаффуз қиласди. Унинг атлас кўйлак ва гулдор тагдўзи дўпписи ярашиб, ўзбек рақсларини енгил ижро этиши, лапарларни шўх айтиши тўйларда оғизга тушган, айниқса қизлар базми Олияхонсиз ўтмасди.

Ойниса газетани варақлади. Ҳар кунги гаплар: пахта далаларида ғўза парваришининг бориши, тунги суфориш, Тошкент яқинида канал қурилиши, заводлардан дараклар, ташвишли чет эл хабарлари...

Гарчанд тонг нурли, шабада сарин, томга кенг қулоч ёйган шоҳлардаги оқ-қизил олмалар хушбўй, Арпапоя анҳори томондан эшитилётган сув шовқини аллалаётгандай бўлса ҳам, Ойнисанинг нечундир кўнгли бетинч, хаёли бевозта. Қандайдир хавотир, алланималарнинг ваҳми дилини тимдалайди, оромини бузади.

Шундай дақиқаларда кўз олдида эри жонланади.

Қани энди у ҳозир, шу соат, шу дақиқада ҳаёт бўлса, ўглининг тўйини ўзи ўтқазса ва... Ойнисанинг кўнглидаги сабабсиз ташвиш губорини тонг шамолидай учирса-кетса!

Ойниса 1921 йил қаҳратон қишининг хомуш тонгини эслади. Қаттиқ яраланган Тоштемирни бричка аравада олиб келдилар. Унинг ўқ тешган чап қўли, елкаси яхшилаб ювиб боғланган бўлса ҳам, қон кўп кетганлиги ва оғир йўл азобидан эзилганлиги сабабли похол устида чала беҳуш ётар, оқариб кетган лаблари қимиирларди-ю, сўзи эшитилмас эди. Уни уйга олиб кириб ётқизганларидан кейин ҳам аҳволи

енгиллашмади, аксинча, иссиғи бирдан күтарилиб, алақлай бошлади. Госпиталдан етиб келган врач ярадорни синчик-лаб күргандан кейин «иложи йүқ» деган маңнода бошини сараклатди. Шунда әркаклар Ойнисани әри олдида ёлғыз қолдириб, ҳовлига чиқышди.

Ойнисаннинг томоғига йиги тиқилиб келса ҳам, ўзини босиб, әрининг охирги сўзларини тинглашга, англашга ҳаракат қилди — бутун вужуди қулоққа айланди. Хотинига термилиб ётган Тоштемир ҳам буни тушунди шекилли, девор тагидаги бешикка ожизгина имлади. Ойниса тушунди: у болаларини кўрмоқчи. Эргашни бешикдан ечиб олди, уйда уймалашиб юрган Йўлдошни чақирди, икковини әрининг ўнг биқинига олиб келди. Тоштемир соғ ўнг қўли билан болаларини бағрига тортди ва хотинига аста шивирлади:

— Сенга топширдим...

Кўзларини юмди.

Ойниса болаларини кўтарганча уввос солиб ҳовлига отилди. Бу вақт маҳалла-кўй, яқин-йироқ дўстлар йигилишган, тўп-тўп бўлиб суҳбатлашишарди. Нина Александровна билан Қумри Ойнисанинг болаларини қўлидан олишди.

«Сенга топширдим...»

Тоштемирнинг омонатини — унинг болаларини Ойниса кўз қорачифидай асрари, ардоқлади, вояга етказди. Ниҳоят, яхши кунлар бошланди. Уларнинг ҳар бири дадасининг ўринини босгудек. Ҳар бирида дадасининг кўз-қоши, қаддабости, интилиши, мардлиги, ҳар бири ўшанинг, ўша беҳаловат, фидокор умрнинг давоми, ўша муборак қон томчиларидан униб чиққан чинорлар.

Тўй. Баҳт. Омонлик.

Лекин дил тинч әмас.

Ойнисанинг кўнглидаги шодлик нурига шарпа ташлаган нима? Тоғ-тошларда кечган оромсиз ёшлик хотираларими? У Тоштемирдан кейин босиб ўтган машаққатли йўлми, ҳижрон аламларими? Е, Нина Александровнанинг кеча тунда ўз әри ҳақида, уруш ҳақида айтганларими? Еки, бугунги газета хабарларидан уфуриб турган бетинч дунё нағасими?

Ҳар қалай кўнгил нотинч.

Ойниса у-буға машғул бўлиб кўрди: келинига тикилған кийимларни жавонга осди, тахмонни янги тўшак, кўрпа-